Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 2-avgust, chorshanba * № 31 (1042) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни Туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан узоқ-яқиндан қутловлар, табрикнома ва мактублар йўллаган барчага ўзининг самимий миннатдорлик мактубини йўллади.

✓ 27 июлда бутун мамлакатимиз бўйлаб Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

✓ БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий тилаклар билдирилган мактубини йўллади.

✓ 31 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

✓ 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

✓ 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

✓ 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

✓ 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

✓ 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

✓ 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаниклини қабул қилди.









# ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**АБИТУРИЕНТ – 2017**

Қорақалпоғистон Республикасидаги 6 олий таълим муассасасида талаба бўлиш иштиёқида бўлган ёшлар тест синовларини топширди.

Жорий ўқув йилида ушбу олий ўқув юртларига 4 минг 772 нафар талаба қабул қилиш белгиланган бўлиб, 42 минг 539 абитуриент ариза топширган. Уларнинг 3 минг 855 нафари бошқа вилоятлардан келган ёшлар, 38 нафари чет эллик фуқаролардир.

– Абитуриентларнинг тест синовларини муваффақиятли топширишилари учун барча қулайлик яратилди, – дейди Давлат тест марказининг Қорақалпоғистон Республикасидаги доимий вакили Музаффар Абдуллаев. – Бунинг учун 58 бино ва 1 минг 325 аудитория олдиндан тахт қилиб қўйилди. Бу йил аризалар сони ўтган ўқув йилига нисбатан 30,7 фоизга кўп бўлди. Абитуриентлар ва ота-оналар учун қулай шароит яратилиб, савдо ва тиббий хизмати йўлга қўйилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бу йил 48 таълим йўналишига 2 минг 200 талаба ўқишга қабул қилинади. Тест синовларида 19 минг 883 абитуриент қатнашди. Бу ўтган йилга қараганда 4 минг 619 та кўпдир. Жорий йилда университетнинг бакалавриатура босқичига иссиқлик энергияси, метеорология, стандартлаш ва маҳсулот сифати менежменти, технология машиналари ва ускуналари, озиқ-овқат технологияси, доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш бўйича 5 янги йўналиш қўшилди.

– Туманимиздаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежини автомобилларда юк ташишни ташкил этиш мутахассислиги бўйича битириб, университетнинг автомобиль йўллари ва аэродромлар таълим йўналишига ҳужжат топширдим, – дейди Шуманай туманидан Ўринбек Алланиёзов. – Талабалар сафига қабул қилинишимга ишонаман. Чунки пухта тайёргарлик кўрдим. Мақсадим, шу соҳада етук мутахассис бўлиб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишдир.

Қорақалпоғистон Республикасидаги барча олий таълим муассасаларида давлат тест синовлари белгиланган тартиб-қоидаларга биноан ўтказилди. Ўқишга қабул қилинадиган талабаларнинг 1 минг 418 нафари давлат гранти асосида таълим олса, 3 минг 354 нафари тўлов шартномаси бўйича ўқийди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Суратларда: *Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган тестлардан лавҳалар.*

## Бугунги сонда:

**УЧ УЧРАШУВ**

Агар "ўзбек иши" деган уюштирилган, қабиҳ иш бошланмаганида пахта терими тўлиқ машиналашган, ўзбек халқи пахтани қўл билан теришдан буткул қутулган бўларди. 6-

**МУМТОЗ ТИЛИМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР**

Мухтасар айтганда, тилимиз ва адабиётимиз муаммоларини, халқимизнинг бой ўтмишини ҳаққоний ёритиш борасида Пиримқул Қодиров ўзидан кейинги тил, адабиёт фидойиларига, шогирдларига, ёшларга ўрнак ва намуна бўлди. 7

**ЙЎЛБАРС ЎЗ ЮРТИГА ЯНА ҚАЙТАДИ...**

Инсонларнинг ерларни ўзлаштириш баҳонасида тўқайзорларни аёвсиз йўқ қилиши, оддий кўнгилхушлик учун ноёб ҳайвонларни ов қилишлари бу маконда яшаган кўплаб қуш ва жониворларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди. 8

# БОЛАЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

*бу масала ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда*

**ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги ахборот асрида интернетнинг жадал ривожланиши, уяли алоқа воситаларининг кенг оммалашиши натижасида ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидлар ҳам авж олмоқда. Эндликда ўсиб келаётган ёш авлодни атрофдан ёпирилиб келаётган ёт ғоя ва иллатлар, ахборот хуружларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этади.

Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масаласи айни вақтда давлат ва жамият олдидаги долзарб масала эканини инобатга олган ҳолда, мазкур масала мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Жумладан, биргина 2017 йилнинг февраль-апрель ойларида элликка яқин телекўрсатув ва ўттизга яқин радиоэшиттиришларда мазкур масала атрофлича муҳокама қилинди.

Аммо қонунчилигимизда бу борадаги муаммоларни тартибга солишнинг ҳуқуқий мезонлари талаб даражасида эмасди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан бу борада аҳоли фикри атрофлича ўрганилиб, ҳуқуқшунослар хулосалари ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-иловасининг 3-банди ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси 4-бандида белгиланган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган қонун лойиҳаси бугун кенг халқ муҳокамасига қўйилган.

Хўш, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қандай зарурат туғилди? Биринчидан, ушбу қонун орқали болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилади. Иккинчидан, болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш ишлари кучайтирилади ва бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахслар фаолияти қўллаб-қувватланади.

Бундан ташқари, болаларга йўналтирилган ахборот муҳити мазмунини тизимли баҳолашга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш, болалар ахборот хавфсизлигини таъминловчи техник ва дастурий-аппарат воситаларни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

2-бет

*Ҳурматли муштарийлар,*

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин.
Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг.
Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

**ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ**

# ШОИРЛАР БОҒИДАН ТАРАЛГАН НАВО




А.Исроилов (ЎзА) олган сурат

Самарқанд шаҳридаги Шоирлар боғида атоқли халқ бахшилари Ислом шоир Назар ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ва Муҳаммадқул Жомурод ўғли – Пўлкан шоирнинг реставрация қилинган ҳайкаллари очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шоир ва ёзувчилар, журналистлар, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирок этган тадбирда миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорлар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, эл суйган адиблар хотирасини абадийлаштириш орқали халқимиз маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мустақиллик йилларида бахши-шоирлар меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, улар асос солган бахшичилик мактаблари анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бахшилар ҳайкалининг Регистон майдонига туташ ушбу боғда ўрнатилиши халқимизнинг улкан сўз санъаткорларига бўлган юксак эҳтироми рамзи сифатида уларнинг ижодини бугунги авлодлар томонидан ўрганиш ва давом эттиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, мардлик сингари инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

2-бет

# БОЛАЛАРНИ ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ

*бу масала ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда*

« Бошланиши 1-бетда

Қонун лойиҳаси болаларнинг соғлиги ва камол топишига зарар етказадиган ахборотлар бўйича асосий тушунчалар, бундай ахборот турлари аниқлаб акс эттирилган. Қонун билан болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоялаш таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда ахборот маҳсулотининг айланишига талаблар белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотлари тарқатилишини тақиқланувчи Реестрини юритиш механизми жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ахборот маҳсулотида болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган маълумот мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, мувофиқ ёки тоифасига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан ахборот маҳсулотини экспертизасини ўтказиш, эксперт хулосасини тақдим этиш асослари, ахборот маҳсулоти экспертизасининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам белгиланмоқда. Қолаверса, бу борада давлат ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган.

Қонун лойиҳаси вояга етмаган ёки бошқалар парваришига боғлиқлиги сабабли алоҳида ҳимояга муҳтож болалар маънавияти ва келажагини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган авлодни зарарли ахборотдан муҳофаза қилиш соҳасида ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ва халқаро шартномалар (ҳуқуқлар) ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хусусан, уни ишлаб чиқишда Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959 йил), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (1989 йил), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга бола савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига оид факультатив протокол (2000 йил), БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига қўшимча БМТнинг одам, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги протоколи (2000 йил) ҳамда бошқа муҳим халқаро ҳужжатларда акс этган қоидалар ҳам ҳисобга олинган.

Қонун лойиҳаси камчиликлардан холи эмас, жумладан, таҳрирталаб жойлари ҳам мавжуд. Шу боис айни кунларда қонун лойиҳаси манфаатдор давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда олимлар, тегишли соҳа мутахассислари иштирокида муҳокама қилинмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг муҳокамасида газета ва журналлар муҳаррирлари, журналистлари, ижод аҳлини фаол қатнашишини истардик. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳокамаси портали regulation.gov.uz га ҳам оммавий муҳокама учун жойлаштирилди ва фойдаланувчилар томонидан шу кунгача 40 дан ортиқ таклифлар тақдим этилди. Мазкур таклифлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинмоқда.



**Мухтасар айтганда, мазкур қонун болаларни ҳимоя қилиш борасида давлат томонидан кўриладиган чоралар, жумладан, болаларнинг жамоат жойларида бўлган вақтларида содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга, уларни турли салбий ахборот хуружлари ва таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.**

**Бахром ОБИДЖОНОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати**

# ШОИРЛАР БОҒИДАН ТАРАЛГАН НАВО

« Бошланиши 1-бетда

– Мен Ислом шоир ва Пўлкан шоир асарлари таъсирида ижодга кириб келганман, – дейди шоира З.Мўминова. – Уларнинг шогирдлари Отаёр ва Амирқул Пўлкандан сабоқ олиб, Ислом отанинг ўғли Ўзбекистон халқ бахшиси Зиёдулла бахшидан қадимий достон ва термалар эшитганман. Шу боис, шеърларимда бахши боболаримиз анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қиламан. Дунёнинг барча қитъаларидан санъат аҳли ташриф буюрадиган "Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали олдидан Самарқанд шаҳрининг кўркам Шоирлар боғида эл ардоқлаган оқинларга ҳайкал ўрнатилиши биз, ижод аҳлини янада илҳомлантирмоқда.

Ўзбекистон халқ бахшиси Маҳматмурод Ражабов ҳамда ёш бахшилар Аҳрор Пардаев ва Жаҳонгир Норбеков Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир айтган достонлардан намуналар ижро этди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Т.Жўраев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН**

# *Кундуздай ёруғ*

Бугун каттаю кичикнинг, бутун халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи янада ортган, умид ва орзулари гўё қанот ёйган десак, асло хато бўлмайди.

Негаки, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан барча жабҳаларда илгари сурилаётган ишлар, хайрли қадамлар, кун-кунора қабул қилинаётган фармон ва қарорлардан бир нарсани англаш қийин эмас: бу энди юртимизда **янги давр – Истиқлолнинг Истиқболли даври бошланганидан далолат.** Энди одамларнинг – ўзини билган ҳар бир юртдошимизнинг фикри, бугун ва эртанги кун ҳақидаги ўй-кечинмалари ҳам бошқача. Яъни юртимиз насиб бўлса, яқин йиллар ичида фақат гапда, сўздагина эмас, амалда – ҳақиқатдан ҳам дунёда чинакам ўз ўрнига эга буюк давлат бўлади. Халқимиз ҳозирги кундагидан бир неча баробар фаровонроқ турмуш кечиради. Адолат ва ҳақиқат мезони ҳам юксалиб, қонун устуворлиги ҳавас қиладиган даражага етса, жаҳонаро бўй кўрсатган давлатимизга дунё халқларининг ҳаваси, қизиқиши янада ортиб бораверажак!

Ҳа, бу эзгу, ёруғ ниятлар ижобатига шак-шубҳа йўқ. Негаки, бугунги амалга оширилаётган ишлар, ҳаракатлар шундай дейишимизга тўла асос беради.

Касб тақозоси ила жойларда, энг чекка қишлоқларда бўламиз. Гувоҳи бўлиб, дилдан севиниб кетасан, киши: одамларнинг кайфияти баланд, эртанги кунга ишончи мустаҳкам.

Аслида ҳам ҳамма нарса – амалиётда, ижрода. Қанча сўз айтилса-да, иш кўринмаса, ҳақиқий аҳвол бошқа нарсани кўрсатса, унда ишонч палағда бўлади.

Бугун халқимизнинг дастурхонини тўкис, бозорларимизни обод қилувчи меҳнаткаш элимизнинг ҳаётидаги ўзгаришларга қараб ҳам хулоса қилиш мумкин. Биласизми, бир пайтлар ғалладан бўшаган майдонлардан бир парчасига деҳқон иккинчи экинини экиб олиши учун рухсат ололмай сарсон эди. Бугун юртимизда ер бўш турмасин, халқимиз қўшимча даромад олсин, деган мақсадда мамлакат бўйича жорий йил 1 миллион 15 минг гектар ерга такрорий экин экишга имкон берилди. Бу меҳнаткаш халқимизни хурсанд қилмайдими?!

Тунов куни Сурхондарёдан бир ҳамқишлоғим телефон қилиб нима деяпти денг, ҳаяжонининг чек-чегараси йўқ:

– Қишлоғимизда одамларнинг бари Юртбошимизни алқаб, дуо қилишяпти. Чунки барча шароит, қулайликлар яратилмоқда. Ҳозир қишлоқда "свет" умуман ўчмайди. Олдинлари дастурхонга энди овқат сузилган заҳоти чироқ "кетиб" қолар эди. Телевизор кўриш ҳам, янгиликлардан хабардор бўлиш ҳам ўзига яраша эди-да. Одамлар кўрсатилган электр учун ҳеч қийналмасдан ойма-ой ҳақини тўлашяпти. Президентимизнинг турли мажлисларда, жойларда айтаётган гапларини эшитиб, роса қувонамиз. Бўладиган гапларни айтаяптилар...

Чиндан ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир нутқи, эл ичига кириб бориб, оддий одамлар билан қилаётган суҳбатларида айтилаётган гаплар шу қадар ҳаётий ва халқчилки, у киши беихтиёр юртдошларимизнинг кўнглидаги, дилида турган ўйларини ўқиётгандек.

1

– Юртбошимизга минг ташаккур, асло кўз тегмасин. Ҳар куни халқимиз фаровонлиги, юртимизни тезроқ дунёаро иқтисодий мустаҳкам давлатга айлантириш ишқида ёнмоқда, – дейди ижодкор дўстларимиздан бири, таниқли шоир Сирожиддин Рауф. – Юртбошимиз йиғилиш қилиб ё бирор жойга бориб, халққа хизмат қилувчи қатор соҳалардаги ютуқ ва муаммоларни ўрганиб, мутасаддиларга зарур топшириқ ва вазифаларни берар эканлар, шу вазифа-топшириқлари ижроси, натижаси бўйича яна орадан 10-15 кундан сўнг шахсан ўзлари қизиқиб, ижросини кўздан кечирмоқдалар.

Чиндан, одамларни рози қилиш, элу халқ ташвиши билан яшаш масъулияти осон эмас. Бу вазифа, масъулият биринчи навбатда элга бош бўлган катта-кичик раҳбарлар зиммасидадир.

Бугунги раҳбар Юртбошимизга яқин кўмакчи бўлиб, у киши белгилаб бераётган вазифаларни адо этиш, шу билан бирга ўзи ҳам фақат "юқори"дан топшириқ кутиб ўтирмай, ташаббускор ва жон-фидо бўлиш зарур. Яна биринчи навбатда шу Ватан, эл-юртга муҳаббат, юксак билим ва тафаккур, ҳалоллик ва поклик, камтаринлик ва одамийлик, масъулият ва шижоат ҳамда бошқа кўпгина сифатлар талаб этилмоқда.

Энди ҳамма гап ҳар бир инсон ўз вазифаси, бурчини юракдан ҳис қилиб, адо этишида. Мақсад Президентимиз таъбири билан айтганда "фақат ғалаба рапортлари"ни беришда эмас!

***"Ҳар ким ўз ишини ҳалол ва виждонан бажарсин. Бунинг учун эса ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволига ўзи шахсан жавоб бериши керак".*** Давлатимиз раҳбарининг, даврнинг талаби шундай.

Дарҳақиқат, жавобгарлик, Ватан, эл тақдирини ҳеч қачон унутмаслик асло баландпарвоз гаплар эмас. Мабодо кимгадир бу сўзлар моҳияти ҳалигача етиб бормаётган бўлса, демак, у ким бўлса ҳам бугунги кун нафасини англаб етмаётган бўлади.

Она юртимиз тараққиётини янгидан-янги босқичларга олиб чиқиш учун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани ва уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича айни кунларда нечоғлик эзгу амалларга киришилганининг гувоҳимиз. Айтайлик, мамлакатимиз бўйича виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилгани – очиқлик ва халқпарварликнинг ёрқин намунаси бўлганидан далолат бўлди.

Президентимиз яқинда ўз нутқларининг бирида мамлакатимиз бўйича виртуал ва Халқ қабулхоналарига 890 мингга яқин фуқаро ариза билан мурожаат қилгани, ушбу мурожаатларнинг 93 фоизи ўрганилиб, тегишли жавоб қайтарилгани тўғрисида гапирдилар. Кейинги маълумотларга қараганда эса, мурожаатлар сони 1 миллиондан кўпроқни ташкил этган.

Одамлар ўз дарду ташвишларини, уларни қийнаётган муаммо, вазифаларни, айрим таклиф ва мулоҳазалари билан нега "Виртуал қабулхона" ва "Халқ қабулхоналари"га улар тимсолида Президентимизга мурожаат қилишмоқда?

Чунки уларни эшитишяпти, тинглашмоқда. Одамларнинг узоқ вақт давомида ҳал бўлмаган муаммолари ўз ечимини топмоқда. Шундай экан, бу ўзига хос халқ ичига кириб боришнинг янгича, замонавий механизми нафақат ўз юртимизда, балки бутун дунёда ҳам шу

2

пайттача йўқ бўлиб, янгилик бўлди. Ўзбекистондаги бу ўзгаришларни дунё аҳли, дунё ҳамжамияти жуда катта қизиқиш, самимият, олқиш ила муносабатда бўлаётганини бежиз эмас.

Юртбошимиз алоҳида таъкидламоқдаларки, ***"фуқароларимиздан келиб тушаётган мурожаатларнинг қарийб 80-90 фоизи асосли ва ўринли бўлиб, улар йиллар давомида эътибор қаратилмасдан, тўпланиб қолган муаммолар эканлигини" айтиб, "Буларнинг барчаси, очиғини айтадиган бўлсак, катта-кичик бўғиндаги раҳбарлар, давлат ва хўжалик органлари ходимлари халқ билан мулоқот қилишни деярли унутиб қўйгани, бу масала жамиятимизда нақадар долзарб бўлиб турганини кўрсатди",*** деди.

Давлат сиёсати даражасида кўндаланг қўйилаётган бу масалалар нақадар аччиқ бўлса-да, ҳақиқатдан бошқа нарса эмас. Бир ўйлаб кўрайлик, бу дунёда одам борки, ҳаёт борки, ҳар бир инсон умр йўлларида турли муаммолар, ташвишларга дуч келиши мумкин, қандайдир адолатсизликлару ноҳақликлар билан рўбарў бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ҳаётда қонун бор, адолат мезонини таъмин этиш нақадар муҳим.

Шундай кезларда одамлар дардини эшитиш, имкон қадар холисона қонуний ёрдам кўрсатиш – биринчи ўринда масъул бўлган инсоннинг бурчи ва вазифаси бўла туриб, зиммасидаги ишига лоқайдлик қиладиган айрим амалдорларга нима дейишни ҳам билмайсан.

Яширишга ҳожат йўқ. Баъзида, дейлик туман миқёсида бўлган бир раҳбар эшигига қатнайвериб, оддий бир сўрови ёки уни қийнаган муаммога ҳеч бир тайинли жавоб ололмагач, вилоятга, сўнг ҳатто республикага мурожаат қилган фуқаро унга нохолис ва совуқ муносабатдан ҳафсаласи пир бўлиб, ўз дарди билан ёниб-куйгани, ақалли уни биров эшитмаганидан хуноби ошганини тасаввур қилинг-а. Ёки иситмаси қўлни куйдирадиган фарзандини шифохонама-шифохона кўтариб, овораю сарсон бўлган бир бечоранинг боласига етарлича тиббий ёрдам кўрсатилмаслиги, ишига лоқайд бўлган шифокорнинг айби билан бошига оғир кулфат тушган инсон неларни ўйлайди, хаёлидан не саволлар кечади? Бундай қалтис лаҳзаларда одам боласи борки, ич-ичидан куйиб, азоб чекади. Ҳақиқат, адолат, қонун деган тушунчаларга ишончи чилпарчин бўлиши ҳеч гап эмас!

Бежиз асосий катта бойлигимиз – халқимиз эканлиги такрор-такрор таъкидланмаяпти. Нима керак деган саволга эса давлатимиз раҳбари биринчи навбатда элдошларимизнинг соғлиги кераклиги ҳақида сўзламоқдалар. Бу хусусда Юртбошимиз Президентлик лавозимига киришишга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида алоҳида урғу бериб, "Халқ рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади, шу маънода Алишер Навоийнинг "Одами эрсанг демагил одамий, оники йўқ халқ ғамидин ғами" деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз", деб чуқур ва фалсафий мушоҳада қилганларида беихтиёр тўлқинланиб кетади киши.

Шубҳасиз, ҳар бир инсон учун ҳаётда соғлик ва саломатликдан катта бойлик йўқ. Шу сабаб ҳам давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида жиддий эътибор қаратмоқда.

3

# Халқ рози бўлса...

***2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.***

**Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса ижтимоий соҳани ривожлантиришга, бу соҳаниг муҳим тармоғи йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби масалаларга катта эътибор қаратилган.**

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 37,7 триллион сўм ва 8.3 миллиард доллар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса, давлатимиз учун ижтимоий соҳаниг нечоғлик муҳим ўринга эгалигини кўрсатади. Стратегияда ижтимоий йўналишда белгиланган бош мақсад авваламбор, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич оширишга қаратилган. Бунда бюджет муассасалари ходимларининг *иш* ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларни ошириш, янги иш ўринларни яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режаси ишлаб чиқилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришда инфратузилма масаласи бирламчи саналади. Шу боис мамлакатимизда йўллар қурилиши, транспорт воситалари билан таъминлаш, чекка ҳудудларда транспорт хизматларини янада яхшилаш — асосий эътиборда. Бу йил ҳисобидан мамлакатнинг турли шаҳар ва туманларида 303 та янги йўналишнинг ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Яна бир янгилик, 2017 йилнинг биринчи чорагида темир йўл соҳасида юқори тезликдаги «Talgo-250» русумли йўловчи поездини сотиб олиш, темир йўл линияларини қуриш, таъмирлаш, электрлаштириш ҳамда вагонлар таркибини янгилаш каби 6 та лойиҳа доирасида 107,7 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди.

Шунингдек, стратегияда электр энергияси ва газ таъминоти масаласида янги қувватларни ишга тушириш ва бу соҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Яна бир йўналиш — чиқиндилар масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда мамлакат миқёсида 60 фоиз чиқиндини олиб чиқиб ташлаш йўлга қўйилган, 5 йиллик дастур асосида бу кўрсаткич 100 фоизга кўтарилади.

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган арзон уй-жойлар қуриш бўйича қишлоқ жойларида 3 турдаги лойиҳалар ишлаб чиқилган. Яъни 2 қаватли 4 подъездли уйлар, 1 қаватли ер участкаси 2 сотих бўлган уйлар ва 2 қаватли 4 сотихли қўшалоқ уйлар. Шаҳарларда эса 5, 7 ва 9 қаватли уйлар лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Келгуси беш йилда қишлоқ; жойларда 85 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши режалаштирилган. Биргина 2017 йилнинг ўзида 15 мингдан ортиқ уй-жой қуриш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолини арзон, ўртача иш ҳақи оладиган кишилар учун ҳамёнбоп уй-жойлар билан таъминлаш мақсадини кўзлаган. Бюджет ташкилотларида ишлайдиган ходимларнинг янги тизим бўйича қурилган уйларни бемалол харид қилишга ва 15 йил кредит тўловини тўлашга қурби етади. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар учун ажратиладиган арзон уйларнинг бошланғич тўлови 15 фоиз этиб белгилангани ва 5 йил муддатда имтиёзли кредит маблағларининг тўланиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади.

Фармацевтика соҳасини ривожлантирмай туриб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Стратегияда белгилаб берилганидек, бугунги кунда аҳолига 334 турдаги дори-дармоннинг етиб бориш нархларини назорат қилиш учун давлат комиссияси тузилган. Бундай чора-тадбирлар дори-дармонлар баҳоси ошиб кетишининг олдини олади. Дорихоналаримизда улгуржи устама ҳақ — 15 фоиз, чакана дорихоналардаги устама ҳақ эса — 20 фоиз этиб белгиланди. Бу халққа етиб борадиган дорилар нархини назорат қилиш имконини беради. Ҳозирга келиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи 116 турдаги дори нархи белгиланган. Хориждан келтириладиган дориларнинг нархи ҳақидаги маълумотларнинг барчаси соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти орқали маълум қилиб борилади.

Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилади. Бу соҳада биринчи бўғин — тез ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ислоҳ қилинади. Мамлакат миқёсида ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш учун янги тузилмалар, замонавий клиникалар ташкил этилади. Чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Жорий йилнинг шу ўтган вақти ичида 555 та тез тиббий ёрдам машинаси харид қилинди ва жойларга етказилди. Айни кунларда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тез тиббий ёрдам машиналаридаги рация орқали алоқани такомиллаштириш, улар билан доимий алоқа ўрнатиб, чақирилган жойга янада тезроқ етиб бориши учун имкониятлар яратилмоқда.

Пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва бошқа эҳтиёжманд тоифаларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилади. Буларнинг бари халқимиз соғлигини муносиб муҳофаза қилиш ва сифатли тиббий хизматни ташкил этишга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида болалар қамрови 26 фоиз бўлса, дастурни тўлақонли амалга ошириш натижасида 50 та янги боғча қурилиши, 2 минг 200 та МТМ қайта таъмирдан чиқарилиши белгиланган. Натижада мактабгача таълим тизимида болалар қамрови 48 фоизга етиши қайд этилган. Шунингдек, хусусий боғчаларга эҳтиёж борлиги, уларга кенг имкониятлар яратилиши ҳам асосий вазифалар сирасига киритилган. Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар дастурига кўра, 2017 йилда 300 дан ортиқ мактабни қайта таъмирдан чиқариш мақсад қилинди.

Иқтидорли ёшлар мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим куч ва миллат зийнатидир. Жумладан, олий таълим муассасаларига қабул квоталари босқичма-босқич кўпайтириб борилади. Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопарклар ташкил этилади.

**Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ҳар бир вазифа халқимизнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш, соғлиқни сақлаш ва таълим сифатини тубдан ислоҳ этишни назарда тутади. Бу вазифаларнинг яхлит ижросини таъминлашда нафақат давлат бошқарув органлари, балки фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки, жонкуярлиги ва ташаббускорлиги кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади. Демак, ушбу йилда, ҳеч шубҳасиз, халқимиз орзу-умидларининг ифодаси бўлган улуғвор режалар, хайрли, савоб ишлар амалга оширилади.**

**Р.ЮСУПОВ,**
**СамДУ ижтимоий фанлар кафедраси доценти,**
**И.ЮСУПОВ,**
**ижтимоий-иқтисодиёт факультети талабаси**

# ШОИРОНА ҲАЙРАТ БИЛАН

## (МИРПЎЛАТ МИРЗО БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИГА БИР НАЗАР)

**ИЖОДКОР ЛАБОРАТОРИЯСИДАН**

Мирпўлат Мирзо номи ўқувчиларга шоир, таржимон, публицист, драматург сифатида яхши таниш.

Ижодкорнинг шу кунга қадар "Сурур", "Райҳон иси", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" номли бадиий-публицистик тўпламлари нашр этилган. Ёзувчи публицистикаси доимо қайноқ ижтимоий-сиёсий, адабий ҳаёт билан ёнма-ён юради, ундан куч олади.



Айтиш мумкинки, Мирпўлат Мирзо публицистикаси давр қозонида тўлиб-тошиб, етилиб, қайнаб-пишди. Адибнинг адабий мақолалари, бадиалари, эссе-хотиралари, сафар таассуротлари ва суҳбатлари турли мавзуларда бўлиб, уларнинг ҳар бири қайси жанрда ёзилган бўлишидан қатъи назар, ўқувчини ўйлашга, муҳокама-мушоҳада қилишга ундайди.

Адиб публицистикасини ўрганган олимлар ва таниқли ёзувчилар, унинг ижодига хос муҳим жиҳатларни белгилашган. Ёзувчи публицистикасига хос лўндагина гўзал таърифлар беришган. Хуршид Дўстмуҳаммад Мирпўлат Мирзо публицистикасини "Шоирона ҳайрат" дейди. Ҳақиқатан ҳам, Мирпўлат аканинг ёзганларида (публицистикаси) шоирона жўшқинлик, образлилик, ҳайрат, ҳаяжон мужассам.

Ёзувчи публицистикаси "давр кардиограмма"сига ўхшайди. Юрагини ўртаганлар ёки дилига яқин ижодкорлар, санъаткорлар, хорижий мамлакатлар ҳақида сурур билан қалам тебратади. Хусусан, бу ўринда "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" публицистик тўпламига кирган "Осмон тўла юлдузлар" фаслига киритилган эссе, хотира ва суҳбатларни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчимиз. Жумладан, "Ўзбекистон булбули" (Ҳалима Носирова билан суҳбат), "Таслим бўлмас ёғдулар" (Мутал Бурҳонов билан суҳбат), "Дўдаган қирларини соғинаман..." (Сунатилла Анорбоев билан суҳбат), "Отамнинг гаплари қулоғимда..." (юрист Каримхон Носиров билан суҳбат), "Сен — мисли камалак..." (Абдулла Орипов билан суҳбат) сарлавҳали адабий суҳбатлар тарихий, адабий, ижодий, биографик, ижтимоий фактларга бойлиги билан ўқувчини ўзига тортади.

Мирпўлат Мирзо суҳбатдошининг уйига етиб боргунича қаҳрамони ҳақидаги хаёлида кечган кечинмаларни ҳам эринмасдан, батафсил ёзиб, қандайдир бир формаларда лирик чекинишлар қилади. Масалан, "Ўзбекистон булбули" суҳбати шундай бошланган: *"Қачондир уйингиздаги сандиқ очилганда онангиздан ёдгорлик кийимларга дафъатан кўзингиз тушганми? Ўшанда қандоқ ҳаяжон гупурган кўнглингизда? Қандай хаёлларга толгансиз? Хотираларга чулғанганингизда онангизнинг меҳрини димоғингизда қайта туйганмисиз?*

*Мен Ҳалима Носированинг қўшиқларини эшитганимда худди шундоқ ҳаяжонни бошдан кечираман.*

*Аср якунланаётган йилнинг оқшомларидан бири эди. Енгил машинада ишдан қайтаётибман. Одатимга кўра машина радиосини эшитиб кетаман.*

*Пойтахт кўчаларида турфа ёғдуларга чулғанган. Бу нурлар кўча ёритқичларию баланд-баланд иморатларнинг деразаларидан ҳам ёғилади. Чароғон оқшом нафасидан ва ёғдуларнинг жилвасидан шуур беихтиёр давр замзамасини ҳис этади, айни асло унинг шитоб мавжларига йўғрилган.*

*Ана шу дақиқаларда радиоприёмникдан Ҳалима Носированинг қўшиғи янграб қолди... "*

Муаллиф мана шундай лирик чекинишлар, хотира-хаёл, ички-кечинмали мулоҳазаларни суҳбатга олиб киради.

Мирпўлат Мирзонинг Озод Шарафиддинов ("Беназир устоз, бетакрор сиймо"), Ўлмас Умарбеков ("Шахс жозибаси"), Рамз Бобожон ("Узоқ умр сири"), Рауф Парфи ("Шоир"), Иброҳим Раҳим ("Боқий самимият"), Ўткир Ҳошимов ("Истеъдод сеҳри"), Тоғай Мурод ("Оқ саллали тоғлар дуоси"), Абдуғафур Расулов ("Меҳридарё"), Муҳаммад Юсуф ("Истиқлол танлаган шоир"), Зокиржон Машрабов ("Жаҳонгашта") каби турли адабий авлодга мансуб танқидчи-адабиётшунослар, ёзувчи-шоирлар, арбоблар ҳақидаги хотиралари қизиқиш билан ўқилади. Улар ҳаётийлиги, ҳужжатлилиги, тарихга айланган кечаги кун одамлари ҳақида ҳикоя этиши, уларнинг ибратли ҳаёти, ижодий фаолиятидан бир шингил воқеаларни бугунги кун ўқувчисига туҳфа этиши билан ҳам қадрли, эътиборга молик. Янглишмасак, хотиранависнинг Рауф Парфи ҳақидаги "Шоир" эссе-хотираси илк марта "Ёшлик" журналида босилиб чиққанди. Мана энди тўпламга ҳам киритилибди. Ўшанда ҳам бу эссе-хотира кўпчиликка манзур бўлган. Эсседа Мирпўлат Мирзо нигоҳи орқали Рауф Парфи адабий шахсияти ва ижоди очилади. Эссенавис шоир шеъриятини нафақат бир замондош ижодкор сифатида, балки олимларга хос жиддийлик билан таҳлил этиб беради.

Мирпўлат Мирзо Рауф Парфининг "Акс-садо", "Тасвир", "Сабр дарахти" китобларига кирган нафис шеърлар ҳақида мулоҳаза юритади. Шоир феъл-атворини, яшаш тарзи ҳақида ҳам ҳаётий воқеаларни эссега моҳирлик билан қистирма қиладики, буни сезмаслик мумкин эмас. Аксинча, фақатгина Рауф Парфигагина хос бўлган характер, феъл-атворни очувчи чизгиларни ўқиб мутаассир бўласиз. Жумладан, эсседа "Мўминхона", "Ҳакимхона", "Етимхона", "Дарвешлар" ҳақидаги Шоир атрофига шоирлар қавми ҳақидаги ҳаётий воқеалар Мирпўлат Мирзо нигоҳи орқали чиройли ҳикоя этилади.

Мирпўлат Мирзонинг "Сурур" тўпламига публицистик асарларидан ташқари "Акс-садо" сарлавҳаси остида таржималари берилган. Хусусан, Нориюки Такаяма ("Ўзбекистон ҳақида ўйлаганларим"), Андрей Турков ("Мен умримни ҳалол яшадим..."), Станислав Говорухин ("Халқни эҳтиётлаш"), Александр Зиновьев ("Ҳақиқат, фақат ҳақиқат..."), Александр Кондрашов ("Байбаков режаси"), Владилен Буров, Валентина Федотова ("Ислоҳотнинг олтин қоидаси"), Рудольф Колчанов ("Дунё бизнеси дарғалари")-ларнинг публицистик, ижтимоий-сиёсий мақолалари ҳам киритилган. Мирпўлат Мирзонинг таржимонлик маҳорати мазкур мақолалар ўгирмасида яққол кўзга ташланади.

Тўпламга мана шу мақолаларнинг таржималари киритилиши жуда ўринли бўлган. Чунки Мирпўлат ака нафақат, публицист ёзувчи, халқаро миқёсда танилган ёзувчи публицистикаси намуналарининг заҳматкаш таржимони сифатида ҳам иш олиб бораётганини кўрсатади. Бу мақолалар ўз вақтида "Жаҳон адабиёти" журнали саҳифаларида эълон этилган. Нима учун Мирпўлат Мирзо мазкур публицистик мақолалар таржимасига қўл урди, деган савол туғилади. Жавоб ўз-ўзидан мақолалар мутолаасидан сўнг ойдинлашади. Масалан, япониялик профессор Нориюки Такаяма мақоласи фикрларимизни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Унда Такаяманинг Ўзбекистон ҳақида ўйлари, она ватани Япониядаги иш юритиш тизими билан Ўзбекистондаги иш юритиш тизими муқояса қилинадики, мақолада билдирилган қиёслардан сўнг ўзбек халқининг ишга, раҳбарга, раҳбарнинг ходимга, ҳар бир фуқаронинг ўз ватанига, вазифасига уйғоқ виждон билан ёндашиши кераклиги ҳақидаги мулоҳазалари кишини сергаклантиради. Япониянинг нима учун ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилганини сабабларини англаб етамиз. Жаноб Такаяма жуда тўғри, адолатли мулоҳаза юритганидек, ҳар бир шахс ўз устида, ўз вазифасини виждонан адо қилмас экан, жамият ҳеч қачон ривожланиб кетмайди.

Тўпламдан ўрин олган А.Зиновьевнинг "Ҳақиқат, фақат ҳақиқат..." мақоласи ҳам фикрларингизга фикр қўшади. Тўпламга киритилган ҳар бир асар кишини ҳаёт, жамият ва ўзи ҳақида, нима учун яшаётганлиги ҳақида теранроқ ўйлаб кўришга ундайди.

**Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,**
**филология фанлари номзоди,**
**Саида ҚУРБОНОВА,**
**филология фанлари номзоди**

**ҲАМКАСБЛАР ҲАЁТИДАН**

Ҳаётда муносиб яшаш, босиб ўтилаётган йилларда ўзини қолдириш, умрдан мазмун топиш ва шу йўлда бошқаларга-да ўрнак бўлиш, танлаган соҳасининг ҳақиқий мутахассисига айланиш каби хусусиятлар болалигиданоқ тафаккури теран шаклланган, оламга дадил боққан, илми-зиёси кучли инсонларгагина насиб этади. «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори, 2012 йилги «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори Муҳаммаджон МАҚСУДОВ ана шундай инсонлардан бири.

# ЖЎШҚИН МЕҲНАТГА БОЙ ҲАЁТ ЙЎЛИ



У Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида деярли 35 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиб, унинг аксар йилларини Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори вазифасида ўтказган бу инсон жамоат ишларидаги ташкилотчилиги боис, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳам сайлангани юқоридаги сўзларимизнинг исботи бўлади.

— «Яхшиликни очиқ юзли кишилардан кутинглар». Тажрибали журналист, Муҳаммаджон Мақсудов ҳақида гап кетганда хаёлга дафъатан ана шу ҳадис-ҳикмат келади. Ҳамиша жилмайиб турадиган чеҳра, синовчан боқувчи тийрак кўзларга нигоҳ ташларкан, мутлақо нотаниш одам ҳам гўё минг йиллик қадрдонини учратгандек кўнгли ёришади.

Қатъиятли, мулоҳазакор, собитқадам ва айни пайтда дилкаш бу инсоннинг умри асосан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги корхоналарда ўтмоқда.

Қобилиятли ташкилотчи ва устоз журналист билан иш жараёнида касб маҳорати ҳамда раҳбарлик салоҳияти, яъни унинг ёзилгану ёзилмаган қонун-қоидалари юзасидан фикр алмашиш ўз йўлига. Аммо ишдан ташқари вақтларда у киши бошидан кечирган саргузаштга бой турли ҳаётий ҳикояларни тинглаш янада мароқли...

Муҳаммаджон Мақсудов Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг шаклланиши ва намунали жамоага айланишида жуда катта хизмат қилган инсон эканликларини алоҳида таъкидлаш керак. Аслида 1974 йилда, яъни пойтахтда ўқиётган талабалик чоғларидаёқ ўша пайтлардаги Ўзбекистон радиосида радиооператор сифатида амалиёт ўташни бошлаган ҳамкасбимиз кейинчалик Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг энг яхши мутахассисларидан бирига айланди. Бунга эса ундаги ўзига нисбатан талабчанлик, соҳа сир-асрорларини ўрганишга бўлган кучли иштиёқ ва ўзига топширилган вазифаларни масъулият билан бажариш каби хислатлар сабаб бўлди.

Муҳаммаджон Мақсудов ҳақида, у кучли журналист, деган иборани ишлатишнинг ўзи камлик қилади. Зеро, бу инсонда шу қадар ғоялар кўпки, уларни нафақат ўзи амалга оширади, балки қўл остидаги журналисту мухбирларга бериб, савияли телерадиодастурлар тайёрлашга ҳам эриша оларди. Эътиборлиси, бу унинг соҳада узоқни кўра олиш қобилияти сабаб Наманган вилояти телерадиокомпанияси ҳудудий телерадиокомпаниялар орасида биринчилардан бўлиб, интернетнинг он-лайн тизимига уланди. Тизимда малакали ёш ходимлар фаолият юрита бошлади. Ишда илғорлик, ташаббускорлик жиҳатлари ривожланди. Бундан ташқари, у киши жуда яхши ташкилотчилиги билан ҳалигача жамоамизда ва вилоятимизда катта ҳурматга эга инсон саналади. Инсонларга яхшилик қилиш, уларнинг муаммо ва таклифларини бефарқ қолдирмаслиги натижасида эса бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзо сифатида сайландилар. Баъзан Муҳаммаджон акадаги мана шундай жўшқин иш кайфияти ва шижоатни кўриб, ҳавасимиз келади. Чунки бу ҳаракатчанлик сабаб соҳанинг муносиб давомчилари, тажрибали шогирдлар жамоаси шаклланди. Сўзимнинг якунида эса Муҳаммаджон акага, устоз, сизнинг телерадио тизимида асос солган ўзингизга хос мактабингиз соҳа ихлосмандларининг қўлланмасига айлансин», дея тилак билдирамиз!

Ҳа, фидойиларча қилинган меҳнат кун келиб, албатта, ўз самарасини беради ва эътирофларга сазовор бўлади. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, Муҳаммаджон Мақсудовга ҳамиша ҳамкасблар ва шогирдлар ардоғида бўлинг, дея ният билдирамиз.

**Шамсиддин МУРОДОВ**
**тайёрлади.**

**ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА**

# МУТОЛАА ЗАВҚИ

Журналларимизда ҳаёт нафаси ўзгача тароват билан акслантирилди. Уларнинг саҳифаларида мавзуга атрофлича, чуқур ёндашилган, салмоқли мақолалар чоп этилган бўлади. Шунинг учун жамиятдаги ўзгаришлар, сиёсий жараёнлардан бохабар бўлиш, юзага келаётган ижтимоий вазиятни баҳолаш мақсадида "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналини тез-тез ўқиб тураман.




Унинг 2017 йил 2-сонини қўлга оларканман, ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларга, давлат бошқаруви ва жамиятимизда қўл урилаётган ислоҳотларга теранроқ назар ташладим. Масалан, Ёқуб Умаровнинг "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" мақоласини ўқиб ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар халқимиз ҳаётига қанчалик енгиллик олиб кираётганини англаш мумкин. Бундан ташқари мақолада соҳанинг тараққий топиши йўлида олдимизда турган муҳим вазифаларни ич-ичингиздан ҳис қиласиз. Ўзим ҳам шу йўналишдаги рақамлар, фактларни таҳлил қилишга уриниб кўрдим.

"Стратегик шериклик асосидаги халқаро ҳамкорлик — мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида" мақоласидан англадимки, биз барча хорижий мамлакатлар билан дўстона ўзаро манфаатдор алоқага эга эканмиз. Президентимиз Ш.Мирзиёев халқаро сиёсатни кучайтириш, мамлакатимизга янги инвестицияларни жалб қилиш, дунё ҳамжамиятида мамлакатимизнинг ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиши йўлида бор имкониятлардан унумли фойдаланмоқда. Буни "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси"-нинг бешинчи йўналиши хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни юритиш... деб белгиланганини ҳам исботлайди.

"Халқ билан мулоқот" рукнидаги Тўйчи Аҳмедовнинг "Аҳоли мурожаатларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг функциялари" мақоласида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида сўз боради. Қарорлар қабул қилиниши жараёнларидан халқимизнинг хабардорлигини оширишда, ҳукумат қарорларини жамоатчилик томонидан назорат қилинишида ва оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишини таъминлашда Оммавий ахборот воситалари алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланган.

Журналнинг "Инсон ва қонун", "Халқаро ҳуқуқ масалалари" каби рукнларда ижтимоий-иқсодий, сиёсий аҳамиятга молик масалалар бўйича турли мақолалар ўрин олган. Масалан, "Хорижий давлатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми", "Халқ билан мулоқот — фуқаролик жамияти", "Номи боқийликка хатланган" каби материаллар фикрлашга, мавзулар юзасидан мулоҳаза юритишга ундайди.

**Санжар ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**

Устозларимиз моддий эҳтиёжни қондириш учун тановул қилганимиз каби маънавий эҳтиёжимизни мутолаа билан қондиришимиз зарурлигини таъкидлашади.




"Маънавий ҳаёт" журнали ана шундай маънавий эҳтиёжингиз учун ва дунёқараш, тафаккурингизнинг кенгайишига хизмат қилади. Бир қараганда, журнал сизга нотаниш бўлган пурвиқор қасрни эслатади. Унинг эшиклари каби журнал саҳифаларига бирма-бир кириб борар экансиз, шуурингиз ҳиссиётларга, тафаккурингиз янги билимларга бойиб бораверади.

Журналнинг биринчи саҳифасида атоқли адиб Эшқобил Шукурнинг *"Уруш учун туғилмаганлар"* мақоласи берилган. Унда Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари, фашизмнинг инсоният, хусусан, ўзбек халқи бошига ёғдирган кулфатлари тўғрисида сўз боради. Мақоладаги Иккинчи жаҳон урушида бегунох қурбон бўлган ўзбек йигитлари тўғрисидаги *"... муҳаббат тўйхатига ҳозирланиб, ажал рўйхатига тушиб қолган навқирон кўнгиллар рўйхати. Уларнинг кўпчилиги 18-35 ёш оралиғидаги йигитлар эди. Улар ота-оналарининг кўзига тўтиё қилиб, уруш учун эмас, бахт-саодат учун катта қилган азиз фарзандлари эди..."* каби сатрлар қалбингизни тўлқинлантириб юборади. Мақолада энг қимматли нарса — қадр, энг азиз нарса — хотира эканлиги, бугунги тинч ҳаётимиз учун шукроналик келтириб, кексаларимизни эъзозлаб яшашимиз кераклиги очиб берилган.

Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари, ҳузурбахш боғлар яратгани тўғрисидаги "Бобомерос бунёдкорлик" мақоласида тарихий фактларга асосланиб ўша давр ижтимоий ҳаёти, темурийлар давридаги тарихий обидаларнинг бунёд этилиши тўғрисида сўз боради.

"Йўл азоби — гўр азоби" деб бежиз айтишмаган. Йўлингиз равон, уловингиз чаққон бўлса, манзилингизга бир зумда етиб оласиз. Норбек Тошниёзнинг *"Бу йўллар кўп қадим йўллардир"* мақоласида мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётида автомобиль йўлларининг аҳамияти, мустақилликнинг илк йилларидан буён автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида асосли факт, керакли рақамлар ва теран фикр-мулоҳазалар билдирилган. Мақола муаллифи Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган қадимий Буюк ипак йўлини тиклаш борасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталган. Ички йўлларнинг аҳволи, уларни қайта қуриш ва таъмирлаш борасидаги ишлар ҳам муаллиф назаридан четда қолмаган.

Кейинги саҳифадан ўрин олган Шодмонқул Саломнинг "Тақдир компаси" мақоласида Ўзбекистон фахрий фуқароси, "Дўстлик" ордени соҳиби, этнограф, археолог, элшунос Кюдзо Като билан яқиндан танишишингиз мумкин. Япониянинг Осака шаҳрида таваллуд топган Кюдзо Като қадимий маданият ўчоқларидан бўлган Сурхондарё воҳасидан топилган археологик топилмаларга қизиқиши, юртимизга қўйган ихлоси туфайли 1989 йилда 67 ёшида мамлакатимизга келади. Ўзбек олимлари билан биргаликда янги тарихий манзилларни, жаҳоншумул археологик топилмаларни топиб, уларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини кўрсатиб берди. Кюдзо Като нафақат тарих илми ривожида тер тўкди, балки ўзбек — япон маданиятлари алоқасига ҳам катта ҳисса қўшди. "Тақдир компаси" мақоласи 2016 йил сентябрь ойида дунёдан ўтган Кюдзо Като руҳияти, тақдир йўли, унинг дунё илми, хусусан, Ўзбекистон тарихшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида кенг мулоҳазали ҳикоя қилинади.

Журналда "Мангу жумбоқ қаршисидаги ўйлар", "Ел қаердан бошланади", "Хартанг қишлоғига талпинган Ливан", "Ёзувчи ва уруш", "Ўқиш, уқиш ва чўқиш... ёки фойданинг сабаби қаерда?" сингари бир-биридан ажойиб материаллар ҳам ўрин олган. Турли мавзулардаги ўткир, дадил ва анчагина пишиқ фикрлар сизни беэътибор қолдирмайди деб умид қиламиз.

**XX АСР ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИДАН**

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙ**

## Маънавият асоси

*Ҳар бир миллат маишат тарафиндан тараққийга юз қўймаса, маънавий тарафдан, яъни маърифат тарафидан ҳам тараққий қилолмас, бир кишининг ўз маишатига етарлик молу ашёси бўлмаса ва буларнинг сабабига ҳаракат қилмаса, моддий ва маънавий ишларни қилмоқдан ожиз қолур. Ва бундай очу яланғоч ўз авқотини (вақтини) ўткара олмайтурган бир халққа маърифат, маданият, улум ва фунундан дарс вермак (бермоқ) муносиб бир иш ўлмаса керак, чунки фақир халқларнинг кеча-кундуз фикри-зикри нон топмак ва бола-чақасининг қорнини тўйғузмакдир.*

* * *

*Баъзи ёшларимизга ўхшаш усти ялтираган, ичи қалтираган бўлуб, бошларига Евруппо қалпоғини киюб «Маданият!», «Маданият!» деб оғизларини кўпуртуруб, оз-моз мусулмонча, чала-ярим русча сўйлашуб кулгу бўлиб юрмак маданият бўлмай, масхарабозликнинг бир шўъбасидур. Агарда табиатнинг жиловини нафсимиз қўлиға берсак, ул бизларни на ерга олуб бормасун? Чиройлик ва чикка бел қизлари ила ўйнашмакни, рестуран ва фивахоналарга боруб, қимор ўйнамак ва ичкулик қилуб, тонг отқузмакни, бироз қизишгандан сўнг одобдан ташқари маданиятга ярашмаган сўзларни айтишмакни, ҳатто урушмакни, жабр ва зулм қилмоқни хоҳлайдир. Лекин маданият қонунида (устофида) мундай фано ва бузуқ ишлар бўлмаса керак.*

**"Маданият тўлқунлари"**
**("Садои Туркистон, 1914 йил 5-.9-сонлар)**
**мақоласидан**

# ОТ — ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ

**ШАРҲ ЎРНИДА**

Халқимиз "От — йигитнинг йўлдоши" дея бежиз айтмайди. Жеймс Уатт илк бор буғ машинасини кашф қилганида унинг имкониятларини намойиш қилар экан, янги қурилманинг кучини от кучига тенглаштирган эди. Шу сабабли ҳам ҳамон двигателлар қуввати от кучи билан ўлчанади.



Йилқичилик илк бор Осиёда пайдо бўлиб, кейинчалик Европа ва бошқа қитъаларга тарқалгани айтилади. От қадимда инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлиб, қишлоқ хўжалик ишларида, ҳарбий ҳаракатларда ёрдамчи сифатида ишлатилган. Маълумки, минтақамизда, эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ отларнинг турли зотларини етиштириш бўйича наслчилик ишлари бошланган. Зотли отларни етиштириш билан ўша даврда асосан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида шуғулланишган. Тарихчиларнинг фикрича, қадимги даврда Ўрта Осиёнинг "осмон(саман) отлари" тенгсизлиги билан ажралиб турган. Бу отлар ҳозирги ахалтака, қорабайир, лақай номли отларнинг аждодларидир. Араби, ахалтака, қорабайир зотли отларнинг ватани Ўзбекистон экани айтилади. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳлик беришича, ахалтака арғумоқлари қадимда ҳозирги Фарғона водийси, Хоразм вилояти ҳудудларида учраган. Геродот, Страбон асарларида бу маълумот келтирилади. VIII асрда Ўрта Осиёга араблар кириб келганида зотли отларга ҳавас қилишади. Чунки, уларда бунақанги зотли отлар бўлмаган. Улар томонидан Ўрта Осиёдан олиб кетилган отлар кейинчалик арабий отлар номи билан жаҳонга машҳур бўлиб кетади. Аслида арабларда йилқичилик эмас, туячилик ривожлангани тарихдан маълум.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Шерали Қўлдошевнинг ёзишича, Хитой элчиси Чжанг Чян ўз эсдаликларида Фарғона (Дайюан) отлари ҳақида ёзар экан, "бу отлар осмон отларининг авлоди экан" дейди. Хитойда бу отлар ҳақида кўплаб асарлар, шеърлар ва афсоналар тўқилган. Суй давридаги (589—619 йиллар) "Шюй тужи" номли асарда ёзилишича, Фарғонанинг отлари секин юрадиган ва тез чопадиган зотларга ажратилар экан. Бу отларнинг бўйи баланд, танаси бақувват, лекин ихчам тузилган, бўйни оққуш сингари қайрилган, қирғийбурун бошли бўлган. Бу отларнинг тасвири Фарғона қоятошларидаги суратда — Аравон қоясида, Марҳамат яқинида, Новкат водийсида ва Обиширда, Айирмачтов тоғ тизмасида тасвирланган. Қояларда тасвирланган отларнинг аксарияти чайир, яғрини баланд, оёқлари алифдек, мўъжазгина каллали, узун бўйинли. Буларнинг бари зотли отларнинг ўзига хос белгиларидир. Ўрта Осиёнинг бу жанговар отлари фақаттина ўз эгасини тан олар, туёқлари ва тишларини ишга солган ҳолда эгаси қатори жанг қилар эди. Манбаларда бундай отлар ярадор суворийни ўлдирмоқчи бўлган ёки унинг қурол-яроғларини олмоқчи бўлган душманларни даф қилгани ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб мисоллар келтирилган.

Отлар ўртача 25-30 йил яшайди. Айрим зотлари эса 40 йилгача яшаши мумкин. Отлар ўтхўр жониворлар синфига мансуб бўлиб, бир кунда 25 килограммдан 100 килограммгача хашак ейди ва ёзда ўртача 30—60 литр, қишда 20—25 литр сув ичади. Отлар беда ва арпани хуш кўради. 1993 йилда жаҳонда отларнинг 427 та зоти борлиги айтилган эди.

Отда сайр қилиш инсонлар саломатлиги учун фойдалидир. Бу ҳақда ўз вақтида Платон (эрамиздан аввалги 427—347 йиллар) ва Плиней (эрамиздан аввалги 23—79 йиллар) ёзиб қолдирган. Отда юриш турли касалликларнинг олдини олар экан. Касалликларни от сайри орқали даволаш "райдингтерапия" (инглизча ride — отда сайр), ёки иппотерапия (юнонча hippos — от) дейилади. Бундан ташқари от гўшти бўлмиш қази ва сути бўлмиш қимизнинг даво экани нафақат бизда, балки Ғарбда ҳам тан олинган. Айни дамда Италия, Франция, Белгия, Японияда ҳам от гўштига қизиқиш кучаймоқда.

Қадимда подшоҳ ва ҳукмдорлар зотли отларни асло сотишмаган, аммо юқори мартабали меҳмон ва дўстларига совға қилишган. Зотли от энг қимматбаҳо совға сифатида кўрилган. Бугунги кунда тоза зотли отларнинг баҳоси бир неча ўн миллион долларга баҳоланади. Айни дамда бир қатор мамлакатларда отлардан полиция бўлинмаларида фойдаланилади. От спортига ҳам қизиқиш кучайган. Ҳар йили АҚШда ўтказиладиган шоуда 10-15 мингта яқин от жалб қилинади. Айрим мамлакатларда Жаҳон отлар кўргазмаси ҳам ўтказиб турилади.

Бугунги кунда йилқичилик мамлакат тараққиётининг кўрсаткичларидан бири сифатида кўрилади. Отлар сони бўйича Хитой биринчи ўринда туради. Мексика, Бразилия, Франция ва Россияда ҳам йилқичиликка катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда қадимдан ва ҳозир ҳам от шайдолари, билимдонлари ва ҳомийлари бўлган. Боболаримиз Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунё кезганда от билан ном қозонган.

Истиқлолга қадар Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларидан бошқа жойларда отларни учратиш амримаҳол эди. Отларни фақат ҳайвонот боғида ёки телевизордагина кўриш мумкин эди. Ҳозирги ёшлар, Ипподром деганда, аслида отлар мусобақалари ўтказиладиган Тошкентдаги кийим-кечак бозорини тушунади. Республикамиз ҳудудида 1914 йилда 597,5 минг бош от бўлган бўлса, 1980 йилларда отларнинг энг кам сони қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев - жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Яккабоғ туманида ташкил этилаётган — наслчиликни сақлаш ва ривожлантириш, қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослашган — "Қорабайир отчилик мажмуаси"ни бориб кўрди. Яқинда эса Президентимиз Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" от заводи фаолияти билан танишди. "Ўзбегим отлари" от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортиқ. Завод қадимий от зотлари, жумладан, ахалтака тулпорларини кўпайтириш ва парваришлашга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда "Ўзбегим отлари" заводида 300 га яқин от парваришланмоқда. Улар орасида ахалтака зотидан ташқари, инглиз ва араб зотли отлар ҳам бор. "Ўзбегим отлари" заводида Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов томонидан совға қилинган "Дўстхон" лақабли зотдор от йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. От заводи ҳудудида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб фермер хўжаликларида чорвачилик билан бир қаторда, йилқичилик ҳам жадал ривожланмоқда. Бундан кейин чорвачилик, жумладан, йилқичиликни ривожлантириш орқали юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик даражасини ошириш йўлида янада кўпроқ ишлар амалга ошишига ишонамиз.

Қардошларимиз бўлмиш туркманлар ахалтака отини миллий қадрият сифатида кўришади. Ахалтака оти миллат рамзидир. Биз ҳам қорабайирни миллат тимсоли сифатида талқин қилишимиз керак. Ҳатто, партиялардан бири ўз рамзини ўзгартириб, юракни жиз эттирмайдиган суратлар ўрнига қорабайир расмидан фойдаланса, нур устига нур бўларди. Чунки айнан қорабайир қадим-қадимда миллатимизни дунёга танитган ва ҳозир ҳам миллий юксалишимизга ҳисса қўшишига шубҳа йўқ. Ҳатто эътибор берсангиз, сакрашга чоғланиб турган от сурати Ўзбекистон харитасини ёдга солади.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**

# ЕВРОПАНИНГ СЕРҚУЁШ ЎЛКАСИ

**ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ**

Европа бўйлаб саёҳат қиладиган аксар кишилар, биринчи навбатда, Франция, Италия, Буюк Британия, Германия, Чехия каби мамлакатларни танлайди. Уларнинг ёнида жойлашган айрим давлатлар эса эътибордан четда қолади. Аммо ўзининг бой тарихи ва миллий маданиятига, турли хил ҳордиқ чиқариш масканларига эга ушбу мамлакатлар, албатта, бориб кўришга арзийди. Яқин-яқингача Европанинг ёпиқ мамлакатларидан бири бўлган Албанияни ана шундай диёрлар сирасига киритиш мумкин.





Эътиборга лойиқ жиҳатларидан бири бу гўшада йилнинг 300 суткаси ёғингарчиликсиз ўтади. Бир бор татиган оғизга хуш ёқувчи маҳаллий қаҳваси эса кишига ажойиб кайфият улаша олади. "Бургутлар мамлакати" маъносини берувчи Албания ҳудудининг 70 фоизи тоғлардан иборат экани ҳам табиатининг нечоғлик сўлим ва гўзаллигидан далолат.

Албания Республикаси Болқон ярим оролининг ғарбида, Адриатика ва Иони денгизлари соҳилида жойлашган. У маъмурий жиҳатдан 36 ретага бўлинади, пойтахти — Тирана эса алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилган.

28,7 минг километр квадрат майдонга эга Албания давлати президент томонидан бошқарилади. Олий ижроия органи эса ҳукумат бошлиғи раҳбарлигидаги Вазирлар кенгашидир. Расмий тили — албан тили бўлса-да, аҳолисининг аксари грекчани билади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, қадимда Албанияда пеласглар ва иллирийлар яшаган. Аҳолисининг салкам 98 фоизини албанлар ташкил этувчи мазкур мамлакатда бугунги кунда 3 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг 65 фоизга яқини ислом, қолганлари христиан динига эътиқод қилади. Албан халқининг ажойиб удумларидан бири — Рамазон ойи келиши билан қайси дин вакили бўлишига қарамай, қўшниларига таомлар тарқатиб, меҳмонлар учун зиёфат дастурхонини ёзишади. Айниқса, албан халқи "Лайлатулқадр" кечасини ўзгача тароват билан қаршилайди. Унда махсус "Ҳосуд" номли ширинлик тайёрланиб, қариндош ва қўшниларга тарқатилади, бир-бирларига эзгу тилаклар билдиришади.

Албания мустақил бўлгач, хўжалик соҳасида муайян муваффақиятларга эришди. Аграр-индустриал мамлакат даражасига ҳам кўтарилди. Миллий даромадининг 46 фоизи саноат, 33 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Албания саноатида озиқ-овқат, енгил саноат, кончилик ва ёғочсозлик тармоқларининг салмоғи катта. Энергетика нефть ва гидроэнергия негизида қурилган. Нефть, хром ишлаб чиқариш бўйича Ғарбий Европада биринчи ўринда туради. Асосий саноат марказлари Тирана, Элбасан, Фийери, Корча ва Шкодерлардир. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи эса деҳқончилик бўлиб, экинзорларида кўпроқ маккажўхори ва буғдой етиштирилади. Бундан ташқари, тамаки, пахта, қандлавлаги етиштириш, токчилик, зайтун ва цитрус ўсимликларини ўстириш ҳам ривожланган. Чорвачилигида қўйчилик ва эчкичилик устун.

Ушбу мамлакат ҳақида қизиқарли фактлар жуда кўп. Улардан бири 1967 йилда Албанияни бошқарган Анвархўжа номи билан боғлиқ. Ўша даврда ёпиқ ҳисобланган мамлакат ҳудудида тасодифий урушдан сақланиш мақсадида 700 мингта бункер қурилган. Бу дегани, ҳар километр квадрат майдонга 24 та бункер тўғри келган ва уларнинг ораси 200 метр масофа узоқликда бўлган. Ҳозирги кунда бункерларнинг маълум қисмигина сақланиб қолган.

Албания иссиқ ўлка бўлишига қарамай, у ерда тўртта музлик жойлашган (Албан Алпларида).

Дунёнинг кўп давлатларида севиб истеъмол қилинадиган "Макдоналдс" егуликларини бу ерда топиш мушкул. Чунки бирор тамаддихонасида бу турдаги маҳсулотлар сотилмайди.

Ушбу давлат табиий маҳсулотлар (кимёвий ишланмаларда холи) таъминоти бўйича дунёдаги олти мамлакатдан бири ҳисобланади. Чунки мамлакат қонунчилигида озиқ-овқат маҳсулотларига зарарли кимёвий моддалар билан ишлов бериш тақиқланган.

Албанияда яна шундай бир ғаройиб одат борки, сайёҳлар ҳануз бу жумбоқ жавобини билишолмай ҳайрон. Одатда, барчамиз бошимизни тепадан пастга қимирлатсак, суҳбатдошимизга тасдиқ маъносини, аксинча бўлса инкорни англатган бўламиз. Албанларда бунинг тескариси.

Шу ўринда айтиш жоизки, Албания табиий аномалиялари жиҳатидан анча хавфли мамлакат ҳисобланади. Чунки у ерда цунами, сув тошқини, зилзилалар кутилмаганда рўй бериши мумкин.

**Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

### "МОМО"НИНГ ОМАДСИЗ ПАРВОЗИ



**Япониянинг Interstellar Technologies хусусий компанияси ўзининг "Momo" русумли ракетасини фазога учирди. Бироқ 30 июлда амалга оширилган ҳаракат кўзланган натижани бермади. Ракета ерга қулади.**

Айтилишича, учиш амалга оширилганидан 80 секунд ўтиб, кеманинг моторида техник носозлик кузатилган. Ракета денгиз қирғоғидан саккиз километр масофада сувга қулади, дейилди компания ўтказган матбуот анжуманида. Синов аслида 29 июлда ўтказилиши керак эди. Бироқ об-ҳавонинг ноқулай келгани сабабли учиш бир кунга кечиктирилган.

Ракета ишлаб чиқарувчиларининг режалари бўйича у 20 килограмм оғирликдаги юк билан 120 километр баландликка кўтарилиши керак эди. Компания хўжайинлари биринчи омадсизликдан кейин таслим бўлмоқчи эмас. Улар албатта, биринчи хусусий ракетани фазога учириш ниятида. Interstellar Technologies компаниясига 1997 йилда асос солинган. "Momo" ракетаси эса 2014 йилдан буён йиғилаётган эди.

### ГЎШТЛИ ИЧИМЛИКЛАР СОТУВГА ЧИҚАДИ



**Немис гўшт етиштирувчиси Петер Классен савдога гўштдан тайёрланган ичимликни сотувга чиқармоқда. Бу ҳақда Die Welt хабар тарқатди.**

Маҳсулот жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Германия бозорларида пайдо бўлади. Классеннинг айтишича, маҳсулотни ташқи бозорларда сотиш бўйича Белгия, Люксембург ва Франция билан шартномалар тузган.

— Биз ишлаб чиқарган ичимлигимизга катта қизиқиш борлигини кўраяпмиз. Халқаро экспортга рухсат учун патентга ариза бердик, — дейди у.

Ишлаб чиқарувчилар бугунги кунда уч хил таъмга эга гўшт ичимлигини тақдим этмоқчи. Бундай ичимликлар, гўшт, сабзавотлар ва какао кукуни аралашмаси ёрдамида тайёрланади. Қайнатиш натижасида ҳосил бўлган суюқлик эса стерилланган бутилкаларга солинади.

55 ёшли гўшт етиштирувчи сўзига кўра бундай салқин ичимликларни бир йилга қадар сақлаш мумкин. Гўштдан тайёрланган ичимлик устида Классен ўғли Филип ва ошпаз Штефан билан бирга уч йил тадқиқот олиб борган. Шунингдек, кашфиёт эгалари бу ичимликка тарафдорлар ва қаршилар бўлишини ҳам таъкидлаганлар.

### ФИЛ СЕЛФИГА ТУШИШНИ ХОҲЛАМАДИ



**Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳридаги Баннергхатта миллий боғида Сандер лақабли фил у билан селфи тушмоқчи бўлган 27 ёшли эркакка ҳужум қилиб, босиб кетди.**

Фил оёқлари остида қолган Абхилаш исмли йигитга боғ қўриқчилари ёрдамга келишади ва уни касалхонага етказишган. Бироқ жабрланувчининг аҳволи ҳақидаги сўнгги хабарлар ошкор этилмаяпти. 25 июнь куни содир бўлган ушбу воқеа боғ меҳмонларини янада ҳушёррок бўлишга ундайди. Сабаби, фил билан содир бўлган воқеа бир кишининг умрига якун ясаши мумкин эди. Ёввойи ҳайвонга яқинлашиш мумкин эмас. Лекин меҳмонлар, айниқса, ёшлар боғ қўриқчиларидан берухсат уларга яқинлашиб, селфи тушишга ошиқишмоқда. Бу эса ташриф буюрувчилар ҳаётига хавф солмоқда, дейди боғ маъмурияти вакили.

Сандер 2007 йилга қадар маҳаллий ибодатхоналардан бирида тутқунликда сақланган. Ибодатхона ишчилари уни жуда оғир ишларни бажаришга мажбурлашган. Қолаверса, мунтазам калтаклаб, қўпол муносабатда бўлган. Бундан хабар топган маҳаллий ҳайвонларни муҳофаза қилиш ташкилоти филни хўжайинларидан қутқариш кампаниясини ташкил этишади. Кампанияга ўша пайтда шаҳарга ташриф буюрган машҳур актриса Памела Андерсон ва британиялик мусиқачи Пол Маккарти кўмагидан фойдаланишади.

Сандер 2014 йилда Баннергхатта миллий боғига келтирилган. Шу йиллар давомида фил боғдаги шериклари, ҳатто одамлар билан ҳам яхши муносабатда бўлган. Филлар оиласида эса битта Шива лақабли боласи бор.

### ОЛМАХОН АЙБДОР



**Калифорниянинг Сан-Диего шаҳрида олмахоннинг хатти-ҳаракати аҳолининг норозилигини келтириб чиқарди.**

Маҳаллий Сан-Диего газ ва электр тармоқлари корхонаси хабарида келтиришича, олмахон шаҳарда электр энергиясининг ўчиб қолишига сабабчи бўлди. Натижада шаҳарнинг бир нечта туманларидаги корхона ва хонадонлар электр энергиясиз қолди. Электр тармоқлари корхонаси ходими Хелен Гаонинг айтишича, ўша куни содир бўлган ҳалокат натижасида шаҳарда 45 минг абонементнинг ҳуқуқи бузилган. Олмахон юқори кучланишдаги электр узатгичга чиқиб олиши натижасида симларда қисқа тўқнашув рўй берган. Натижада электр линияларига жиддий шикаст етади. Фалокат оқибатларини бартараф этишга қарийб олти соат вақт сарфланди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ тайёрлади.**

"Халқаро Олтин мерос" жамоат фонди Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O`zbekiston" телерадиоканали ДУК "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" бош муҳарририяти бўлим бошлиғи Жўра Боборахматга турмуш ўртоғи

**Гулчеҳра БОЙХОНОВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, фахрий журналист Мухтабар Каримовага онаси

**МАЛИХА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Zufarov mobile group" МЧЖ устав фондини 995 000 000 (тўққиз юз тўқсон беш миллион) сўмдан 150 000 000 (бир юз эллик миллион) сўмга камайтирилаётганлигини

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Zufarov group" хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилиб, устав фонди 995 000 000 (тўққиз юз тўқсон беш миллион) сўмдан 345 000 000 (уч юз қирқ беш миллион) сўмга камайтирилганлигини

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

## ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Шароф Рашидов сиймосида ўзбек халқининг салкам 30 йиллик тарихини ўзида мужассам этган инсон қиёфаси туради. Рашидов ўзида раҳбарлик сифатлари билан бирга инсоний фазилатларни ҳам жамлаган арбоб эди. Бунга ўзим ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман...

# УЧ УЧРАШУВ

1967 йил июль ойида Шароф Рашидовнинг топшириғи билан ўша пайтдаги Сирдарё вилояти раҳбари бўлиб ишлаган Раҳмонқул Қурбонов Мирзачўлдаги "Самарқанд" номли хўжаликка келди. Бутун хўжалик маъмурияти — сувчи, тракторчи, бригада бошлиқлари шийпонга йиғилдик. Ўтган йили "Самарқанд" хўжалиги Республика хўжаликлари орасида пахтани машина билан териб олишда энг юқори натижани кўрсатган эди. Шу боис Шароф Рашидов бу йил ҳам "Самарқанд" жамоаси етиштирилган пахта ҳосилини тўлиқ машина билан, ҳашарчи олмай териб топширамиз деган ташаббус билан чиқсин, деб сўраган эканлар. Хўжалик аҳли номидан директор Эргаш Холмўминов сўзга чиқиб, "Раҳмонқул ака, республика раҳбарларининг бизга ишонч билдирганидан ниҳоятда хурсандмиз. Аммо тўсатдан бунақа мураккаб ишга "ҳа" деб жавоб беришдан олдин одамларимиз билан ушбу масала устида обдон маслаҳатлашайлик, етар-етмас томонларини ҳисобга олайлик. Шундан сўнг узоғи бир ҳафтада бу ташаббус билан марказий газетада чиқиш қиламиз. Шароф Рашидовга эса шу ерда кўрган-эшитганларингизни айтсангиз, албатта у киши бизни тўғри тушунадилар, — деди. Раҳмонқул Қурбонов шу гап билан Тошкентга қайтиб кетди.

Мажлис яна давом этди. Эргаш ака йиғилиш қатнашчиларига бироз разм солиб турдида, "Бизга марказдан жуда масъулиятли, оғир вазифа юкланди. Неча ўн йиллардан бери халқимиз қийналиб, икки букилиб, эрталабдан то кечгача, бир неча ойлаб пахтани қўлда теришини кўрган ҳар бир инсофли одамнинг теримчиларга ачинмасдан иложи йўқ. Шароф Рашидов ҳам айни жараёнларни кўриб-билиб юргани учун ушбу масалани ечишга ёрдам беришармикин, деган умид билан бизга мурожаат қилаяптилар", — деди.

— Бу йил режа бўйича ўн минг тонна пахта етиштиришимиз керак. Агар қолган ойкунларда яхши ишлаб ўн икки минг тонна пахта етиштирсак ва уни ҳашарчи олмай, машиналарда териб топширсак, Ўзбекистон ва ўзбек халқи учун қандай улкан ишни бажарган бўлардик... Шундан сўнг биз бор кучимиз билан берилган вазифани бажаришга киришдик. Натижада 1967 йил якунида "Самарқанд" хўжалиги жамоаси 12 минг тоннага яқин пахтани ҳашарчи олмай, фақат машинада териб топширган эди.

1968 йил баҳорида менинг бўлимимда 10 гектар ерга пахтани ер остидан томчилатиб суғориш тажриба усули қўлланилган эди. Бу усул ҳозирги вақтдаги ер устидан томчилатиб суғоришнинг ер остидан суғориш варианти эди. Пахтачиликдаги ушбу янги тажрибани кўриш учун Шароф Рашидовнинг ўзи келди. У пахта экилган ерга узоқ тикилар, тажрибани олиб бораётган олимларнинг гапларини диққат билан тинглар эди. Мирзачўлда ерлар 80-100 гектар стандартда экилар эди. Бизнинг йўлимиздаги тракторда бир текисда чеканка қилганимиз — 100 гектарлик дала худди бахмал гилам тўшаб қўйилгандек таассурот қолдирарди. Аммо шу куни даланинг бошида трактор нам ерга култиватори билан ботиб, 4-5 метр пахтани босиб-янчиб ташлаган эди. Раҳбарлар воқеани йўлдаёқ эшитишган, нима қилишни билишмас, асаблари таранг бўлиб аста-аста юриб боришарди. Мен эса қаттиқ хавфсираганимдан судралиб, ҳаммадан кейинда борар эдим. Шароф Рашидов пахта далаларининг яшнаб турганига тўйиб қарар, атрофидаги одамлар билан турли мавзуларда гаплашарди. Шу тариқа, биз трактор ботган ерга етиб бордик. Шароф Рашидовнинг кўзи ногоҳ пахта нобудланган жойга тушди-ю, илкис тўхтади. Пайҳон бўлган ғўзага бироз қараб турди-да, бир замонларда яхши бўлган экинларга кўз тегмасин деб ота-боболаримиз бир чеккасини янчиб қўяр эканлар, бу ҳам шунақа бўлибди, дедилар кулимсираб. Ҳамма енгил нафас олди...

Шароф Рашидов бу пахтани етиштирган бригадир менга



яқинроқ келсин деди. Шароф аканинг юмшоқ муомаласидан ўзимни тетик тутиб яқинроқ бордим. Ўртамизда савол-жавоб бошланди:

— Тажрибали деҳқонга ўхшайсиз, бу йил мана шу далангиз гектаридан неча центнер ҳосил беради деб ўйлайсиз?

— Машина терими билан 30 центнердан ошиқроқ бўлади.

— Тахмининигизча ҳар бир гектарда ўрта ҳисобда нечта туп кўчат бор?

— Ўрта ҳисобда ҳар бир гектарда 140 минг, жавоб бердим шошиб. Шунда у киши менга "Келинг, бир ҳисоблаймиз", деди.

— Агар ҳар бир гектарда 140 минг туп кўчат бўлса ва ҳар бир кўчатда 10 тадан кўсак бўлса, бир миллион 400 минг кўсак бўлади. Ҳар бир кўсакда уч грамм пахта бўлса, демак сиз 42 центнер пахта беришингиз керак. "Республика пахта далаларини оралаб, пахта эккан деҳқонлар билан суҳбатлашавериб, баъзи нарсаларни ўрганиб олгандик", — дедилар менинг хижолат бўлганимни кўриб, самимийлик билан...

Шунақа мўл ҳосил етиштирганинг учун раҳмат, деганча, елкамга қўлини қўйиб, дўстона муносабатда: "Бизга қанақа илтимосингиз бор?", деди. Мен қўлимнинг қатида ушлаб турган кичик бир қоғозни Шароф акага бердим. Шароф ака индамай хатни ичида ўқиди. Хатда "Шароф ака, яқинда бир манбада Австралия деган давлатда пахтани янги агротехника асосида экиб, ҳар бир гектардан 350 минг кўчат ўстириб, комбайнда йиғиб олишар экан. Мени Австралияга ушбу усулни обдон ўрганиб келиш учун юборсангиз, илтимос" деб ёзилганди. Шароф ака индамай хатни менга қайтариб бериб, майли, маслаҳатлашиб кўрамиз, деб кулимсиради. Бир ойдан кейин вилоят раҳбарияти орқали бунинг иложи йўқ экан, деган оғзаки жавоб олдим...

1970 йил август ойининг бошида Шароф Рашидов пахтани ер остидан суғориш тажрибасини кўришга яна келди ва бизнинг бўлимдаги шийпонда меҳмон бўлди. Йиллар ўтса ҳам Австралияга боришни сўраганим ёдидан чиқмаган экан, мени ёнига чақириб олди. Сўнг сокин овозда бир маромда гапира бошлади.

— Республика раҳбари бўлганим билан мен қилаётган ишларда белгиланган чегара бор. Шу чегарадан чиқмаслигимиз керак. Бизда капиталистик мамлакатларга белгиланган одамларгина Москванинг ихтиёри билан юборилади. Агар сизни Австралиянинг пахта экиш усули жуда қизиқтирган бўлса, ўша тажрибаларни ўзимизда ўтказаверинг, ер-сув, техника, уруғ ўз қўлингизда, менимча, ҳеч ким сизга халақит бермайди...

Шу суҳбатдан кейин мен нималарнидир тушунгандек бўлдим. Шундан сўнг ўйлаганларимни ташқи эмас, балки ички имкониятлардан келиб чиқиб амалга ошира бошладим. Кейинроқ Шароф Рашидов билан яна бир карра кўришдим. Ўшанда у киши олиб бораётган тажрибаларим ҳақида сўради.

— Агар сиз бизга тажрибангиз билан пахтадан ҳозиргига нисбатан яна бир карра юқори ҳосил олиш йўлини кўрсата олсангиз, пахтачиликда инқилоб яратган бўлардингиз, деди. Шароф ака шу гапларни айтаркан, унинг овозида тўлқинланиш, орзиқиш ва алланечук изтироб сезиларди...

"Самарқанд" хўжалигининг пахтани фақат машинада териш тажрибаси республиканинг ҳамма хўжаликларида жорий қилинди. 1974 йилда республикада 5 330 500 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинган бўлса, шундан 2 715 900 тоннаси машинада терилган эди. Агар "ўзбек иши" деган уюштирилган, қабиҳ иш бошланмаганида пахта терими тўлиқ машиналашган, ўзбек халқи пахтани қўл билан теришдан буткул қутулган бўларди. Ўша машъум йилларда Ўзбекистонда уч юз мингдан кўпроқ одам қамалди. Миллионлаб одамлар сўроқ қилинди. Гдлян, Иванов бошлиқ "десантчилар тўдаси" марказдан чексиз ваколат билан келишган, республика раҳбарларининг бирортасига итоат қилмас эди. Пахта экиб, ўстирган ўзбек халқининг Худодан бошқа суянадиган тоғи қолмаган эди. "Пахта иши", "Ўзбек иши" каби мустабид тузумнинг машъум шумлиги, қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимизни, пахтани машинада теришнинг ташаббускорлари бўлган адолатли одамларни орамиздан олиб кетди. Бироқ адолат қуёши ҳеч қачон сўнмаганидек, яхши инсонлар номи тарих саҳнасидан ўчиб кетмайди. Бугун жонкуяр арбоб, қатъиятли раҳбар, самимий инсон Шароф Рашидовнинг номи юртдошларимизнинг қалбида яшаётгани бунинг исботидир.

**Ғаффор КАРИМОВ,**
**агроном**

## БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ...

Талабалигимда рус миллатига мансуб бир чолнинг уйида ижарада турардим. Уйини ижарага берган аксарият кишилар каби у ҳам ойлик ҳақини олган кезлари ўтириб, дилдан суҳбатлашиб қоларди.

# Ватан туйғуси

Биз, талаба қизларнинг отахонга айтадиган нима гапимиз ҳам бўларди? Лекин у киши шундай гурунг берардики, неча йиллардан бери Ўзбекистонда яшайвериб, донишманд ўзбек боболаримизнинг хислати унга ҳам ўтганми, деб ўйлаб қолардик баъзан.

У айрим ижарадорларга ўхшаб ҳаётдан нолийвермас, гап-сўзларидан турмушидан мамнун эканини сезиш мумкин эди. Бироқ гоҳида ўзи туғилиб ўсган гўша (у асли Россиянинг қайсидир вилоятидан эди, номи ҳозир эсимда йўқ) ҳақида гапирганда, кўзларида ёш милтиллар, болалик ва ёшлик дамлари кечган кўчаларни эслаб, "оҳ" деб қўярди.

— Қариганинг сайин ёшлигингни кўпроқ қўмсайсан, мен болалигим ўтган жойларни тобора қаттиқроқ соғиниб бораяпман, аммо очиқкўнгил, самимий одамлар бағридан *(ўзбекистонликларни назарда тутади)* ҳам кетгим келмайди, — дерди. Унинг асли сарғиш, офтоб таъсирида қизилга мойил, салқи юзига боқиб, кўнглидан кечаётган туйғуларни ҳис этишга уринардим. У юртимиздаги (ўз ўрнида бу унинг ҳам ватани, фарзанду неваралари туғилиб ўсган муборак маскан!) ҳаётидан мамнун, лекин кекса юрагининг тубида киндик қони тўкилган диёрга муҳаббати ҳам сақланиб қолган эди...

Бугун, орадан йиллар ўтиб янада теранроқ англадимки, инсонни туғилиб-ўсган тупроғи ҳамиша ўзига тортиб турар экан. Раҳматли падари бузрукворимизнинг ўзи туғилиб вояга етган қишлоғи соғинчи билан яшагани, гоҳида рубоб чертиб, Ватан ҳақида хиргойи қилиб қолишлари, беғубор онлари кечган тупроқ кўчаларни эслаб, тўлқинланиб ҳикоя қилишлари, Хоразм лазгисини чалиб, мен — беш-олти яшар қизалоғининг унга рақс тушишимни кўриб, қувонишларини кўз олдимга келтириб, бунга янада ишонч ҳосил қилаяпман.

...Яқинда телевизорда Ватанини сотган кимсалар ҳақида кўрсатув берилди. Нафратландим. Ўйладимки, фарзандларимиз қалбига ватанпарварлик туйғусини болаликдан мустаҳкам жойламоғимиз керак экан. Қуруқ насиҳатлар, ваъзхонликлар билан эмас, ўзимизнинг юртга муҳаббатимизни уларга ошкора англатиш, амалий саъй-ҳаракатлар билан сингдиришимиз шарт экан.

Зеро, Ватанга садоқатли миллион-миллион инсонлар орасида биттагина хоиннинг чиқиши ҳам юрт учун оғир дард бўлиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Ҳилола ЮНУСОВА**

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ



**— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотга нималар киради? Уларнинг манбалари борми?**

С.Азимов,
Тошкент шаҳри

*— "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш, шунингдек, уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;*

*амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган (ташкил этиладиган) очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;*

*бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;*

*давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.*

**Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Акбар САЙДАҲМЕДОВ жавоб берди.**

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Айтишларича, олимлар бугунги кун тилига таржима қилинганда "Ҳозирги ёшлар бузилиб кетди" деган маънони берувчи қадимий ёзувни топишган. Мазкур жумла бугун ҳам ўз "аҳамияти"ни йўқотмагани қизиқ. Бебош ёшларнинг баъзи қилиқларидан хуноби ошган кексаларимиз ҳануз "бу ёшлар гап кўтармайди" ёки "уларга бир оғиз гапир-у, қоч" ибораларини такрор ва такрор қўллашади.

Хўш, нима учун?

Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани сўзлаб берай.

# Қиз бола — элнинг юзи



Йўлда бир ҳайдовчи билан ўсмир қиз гап талашяпти. Ҳайдовчи: "...Мен сенга ёмон гапирмадим, қизим, телефонингга тикилгунча, йўлга қарасанг-чи, туртиб юборишимга сал қолди-я! Кейин ким айбдор, ҳайдовчи айбдор. Қара, ҳатто гапларимни эшитишга ҳам тоқатинг йўқ, қиз бола дегани бунақа бўлмайди-да!..", дея куйиниб, тушунтиришга уринарди. Қиз: "Отаммисиз, менга ақл ўргатасиз, телефоним билан нима ишингиз бор, йўлингизга қарасангиз-чи", дея отаси тенги одам билан тиллашарди. Уни кўриб, бувимнинг бир гапи ёдимга тушади: "Эсимни танибманки, отамнинг кўзларига тик қарамаганман, ҳатто кўз олдимдан чеҳралари унутилаёзган". Ёки китобларда мутолаа қилганимиз жон талашиб ётган бўлса ҳам, қайнотаси — Юсуфбек ҳожини кўриб, рўмолини бошига ташлаб, ўрнидан қўзғалишга уринган Кумушбибини эсга олинг. Чинакам ўзбек аёли тимсолидаги ана шундай ибо, ҳаё, иффат бугун қайга йўқолди?! Нега эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёш қизларнинг аксари жиззаки, қўрс, қўпол, "ақлли" бўлиб қолишди?

Талабалик кезларимиз курсдошларим билан Олмазор туманидаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ёнидан кўп ўтардик. У ердан ўтаётиб ҳар гал кўнглим ғашланиб, нафратим алангаланарди. Сабаби, "Музқаймоқ олиб бермайсизми, яхши йигит", "Мени севмайсизми?" ёки куракда турмайдиган бошқа уят гаплар билан ўтган-кетган йигитга гап отувчи коллеж қизларида на уят бор эди, на шарм-ҳаё. Бу гаплардан хуноб бўлганимиздан кейинчалик коллежни айланиб ўтадиган бўлдик.

Қизлар учун доим биринчи навбатда оналар ўрнак бўлишади. Уларнинг юриш-туриши, хулқ-атворида ҳам оилавий муҳит таъсири сезилади.

— Ёшлар тарбиясида оилавий муҳит, ўқув муассасаларида берилаётган таълим-тарбия сифати ҳам муҳим. Аммо ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бир пайтда ёш қизларимиз юриш-туриши, феъл-атворида анчагина салбий ўзгаришлар кузатиляпти. Бунда оила ёки таълим муассасасини айблаб бўлмайди. Негаки, XXI асрда ёшларимизнинг онгу шуурига, руҳиятига таъсир этувчи ташқи кучлар жуда кўп. Масалан, телефон, компьютер каби воситалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш уларнинг соғлиғи билан бирга руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги носоғлом мулоқот, турли сайтларда берилаётган зарарли ахборот ва маълумотлар қизларимиз тарбиясини емирмайди деб ўйлайсизми? Бу эса масала юзасидан чуқурроқ бош қотириш вақти етганидан дарак, — дейди психолог Лутфулла Турсунов.

Мутахассис фикрларидан англашиладики, қизлар тарбияси масаласида нафақат оила, ўқув муассасаси, балки маҳалла, ташкилотлар ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиш, ҳар бир хонадондаги муҳитдан бохабар бўлиш, шу билан бирга ёшларимизнинг, айниқса, қизларимизнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишларини ташкил этиш бирламчи вазифалардандир.

Юртбошимизнинг "Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонининг ўнинчи банди иккинчи қисмига мувофиқ "Қизларжон" журнали ташкил этилиши кўзда тутилган эди. Қизлар ҳаётини тўлақонли акс эттиришни ўз олдига мақсад қилган мазкур журналнинг дунёга келиши нафақат қизлар, балки барчамиз учун бирдек қувонарли.

"Қизларжон" журнали ижтимоий фаол, иқтидорли ёшларни, тарбиясига путур етаётганларга ўрнак қилиб, уларнинг ички олами, дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилса, тўғри йўлга бошласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана ўшанда нашр ўзбек қизларининг маслакдоши, ажралмас дугонасига айланади ва уларнинг тақдир йўлида маёқ бўлади.

Қизлар нафақат ота-онаси, ака-укаси, оиласи шаъни, балки бутун миллатимиз, юртимиз қадр-қиммати, орияти, юзи ҳамдир. Ўсиб келаётган ҳар бир нозик хилқат чин маънода келажагимиз бунёдкорлари, бўлажак уй бекаларию, онажон-бувижонларидир. Шу боис уларнинг маънан етук, жисмонан соғлом, оқила бўлиб етишишлари йўлидаги ўзаро ҳамкорлик бугуннинг энг муҳим вазифаларидан.

**Санжар ЭШМУРОДОВ**

# Мумтоз тилимиз ҳақида ўйлар

**ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР**

Мустақиллик халқимизга маънавий жиҳатдан катта озодлик берди. Буни бугунги кунда бутун жаҳон аҳли кўриб турибди. Мустамлака йилларида ўтмишда 98 фоиз аҳолиси саводсиз бўлган деб камситилган, мактабда давлатчилик тарихи Киев Русидан бошланган деб ўрганишга маҳкум этилган халқ яна қаддини тиклаб олди. Озодлик шабадаси эсиб, эзгу орзу-армонларимиз амалга ошаётган истиқлол йиллари давомида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни эгалладик. Бу энг катта бахтимиз, ғурур, ифтихоримиздир.



Бой тарихимиз ва қадимий тилимиз ҳақида тўғри ёзиш, тўғри фикрлашга эришдик. Минг шукрки, Шўро замонида зўравонлик, сохта мафкура зуғуми туфайли нотўғри баҳоланган ёки очиқдан-очиқ тескари ёритилган кўп масалалар ҳаққоний ечимини топаётир. Бу борада салмоқли тадқиқотлар қилинди. Олимлар, ёзувчилар, журналистлар ниҳоят, тилининг учида тугун бўлиб, дилида пинҳон қолиб келаётган дардларини очиқ айта бошлади. Шу ўринда атоқли ёзувчи, раҳматли Пиримқул Қодировнинг "Тил ва эл" бадиасини тилга олиш лозим. (Бу салмоқли асар дастлаб "Шарқ юлдузи" журналида ва 2005 йилда Ғафур Ғулом номидаги ижод уйида босилиб чиққан).

Мазкур асар менда яхши таассурот қолдирди. У темурийлар давридаги тил муаммоларини ёритишга бағишланган. Мавзу талабига кўра, адиб адабий тилимизнинг минг йиллик тарихий илдизларига назар солади ва уни янгича тафаккур асосида ёритишга интилади. Шу ниятда у ҳали тилшунослар томонидан деярли ўрганилмаган Алп Эр Тўнга — Афросиёб достонининг тили ҳақида нозик мушоҳадалари, ёзувчи ва олим сифатидаги кузатишларини ўртага ташлайди: уни тилимизнинг илк сарчашмаларидан бири сифатида таҳлил қилади.

Шу пайтгача Афросиёб афсонавий қаҳрамон деб талқин қилингани маълум. П.Қодиров тарихий манбалар, жумладан, Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарига асосланиб, Афросиёбни тарихий шахс сифатида баҳолайди ва у эрадан олдинги еттинчи асрда яшаб ўтган, деган фикрлар ҳақиқатга яқин эканини таъкидлайди. Бу фикрни тарихий-адабий манбалар тасдиқлайди. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" достонида Алп Эр Тўнга ҳақида қисқа бўлса-да, меҳр билан қуйидаги мисраларни ёзган эди:

*Бу турк бегларидан оти белгулук,*
*Тўнга Алп Эр эрди қути белгулик.*
*Бедук (буюк) билги бирла*
*ўкуш (ҳунар) ардами,*
*Билиглик, ўкушлик (заковатли),*
*будун кўдруми (халқ сараси).*
*Тожиклар айтур ани Афросиёб,*
*Бу Афросиёб тутти эллар талаб.*
*(Афросиёб кўп элларни ўзига*
*бўйсундириб, идора этди).*
*Тожиклар битигда битмиш муни,*
*Битигда йўқ эрса, ким ўқғай ани.*

**("Қутадғу билиг", Тошкент, 1972 йил, 102-бет).**

Парчада Алп Эр Тўнга машҳур турк бекларидан бири сифатида таърифланади, билимли, заковатли, халқ сараси деб улуғланади. Шоир тожиклар ҳам уни Афросиёб деб улуғлагани ва бу ҳақда ёзиб қолдирганига алоҳида урғу беради. Пиримқул ака юқоридаги парчани бироз қисқартириб келтиради. Аммо гап бунда эмас. Муаллифнинг битик маъносини чақиб, чиқарган хулосаси муҳим.

Маҳмуд Қошғарийнинг "Девон"и 1960-62 йилларда, "Қутадғу билиг" эса 1972 йилда, "Бухоро тарихи" 1966 йилда ўзбек тилида тўла эълон қилинган. Ўтган асрнинг 80-йилларида "Шарқ юлдузи" журналида тарихчи Тожихон Қодированинг "Сўғдиёнада халқ ҳаракатлари" мақоласида Афросиёб тарихий шахс сифатида баҳоланиб, мазкур шеърий парча келтирилади. Тилшунос олим Худойберди Дониёровнинг ҳам Афросиёб ҳақидаги йирик мақоласи мазкур журналда чоп этилган эди. Аммо на тилшунос, на тарихчи олимлар уларга муносабат билдирдилар. Ахир, юқорининг фикри билан ҳисоблашишга, шамолнинг йўналишига қараб иш тутишга одатланган эдик-да!

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёк Алп Эр Тўнга — Афросиёб талқинига янгича қараш тамойили бошланди. Бу ижобий ҳодиса адабиётшунос Насимхон Раҳмоновнинг "Турк хоқонлиги" (1993) ва Абдурашид Абдураҳмоновнинг "Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси" (1995) китобларида кўринди. Кейинги тадқиқотда "Девони луғотит турк"даги шеърий парчалар (табдил муаллифи академик Азиз Қаюмов) мазмунан бирлаштирилиб, Афросиёбга бағишланган қаҳрамонлик достонининг бўлаклари, деган қараш илгари сурилди. Профессор Фитрат, И.Стеблева, М.Иброҳимовлар ҳам "Девон"даги шеърларга яхлит асарнинг парчаларидир деган мулоҳаза билдирган эдилар.

Пиримқул Қодиров ҳам ана шу йўлдан борар экан, куюнчаклик билан ёзади: "Наршахий "Бухоро тарихи"да, Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг"да, Маҳмуд Қошғарий "Девону луғотит турк"да Алп Эр Тўнга — Афросиёбни бунёдкор шахс бўлгани ҳақида гувоҳлик берган эканлар, биз буни инобатга олишимиз керак. Юсуф Хос Ҳожибдек буюк шоир Алп Эр Тўнганинг номини форсийзабон муаллифлар ўз талаффузларига мослаб Афросиёб деб атаганларини аниқ қилиб ёзган бўлса, бунга ишонмасликка асосимиз йўқ. Буларнинг ҳаммасини инкор этиб, Афросиёбни икки минг йил яшаган жодугар, золим қилиб кўрсатган афсоналарга ишониш илм-фан талабларига мутлақо жавоб бермайди". Бу тўғри, адолатли хулосадир.

Мана шу куюнчаклик ва тарихий адолатга садоқат руҳи Аҳмад Яссавий ва ундан кейинги адабий тилимизга доир мулоҳазаларда ҳам устуворлик қилади. У Яссавий ва унинг буюк ишини давом эттирган Аҳмад Югнакий, Рабғузий, Хоразмий, Қутб ва Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмийларнинг асарлари битилган тилни олтин кўприк деб атайди. Бу шоирларнинг тили қипчоқ-ўғуз шевалари асосида таркиб топган туркий тиллар, жумладан, қозоқ, татар, озарбойжон, усмонли турк тилларига эмас, айнан бизнинг тилимизга яқинлигини алоҳида қайд этади. А.Самойлович, А.Боровков, Э.Нажиб каби олимлар Яссавий тилини ҳам, Хоразмий, Қутб ва Сайфи Саройи асарлари тилини ҳам Олтин Ўрданинг Ғарб қисмидаги Жўжи улусининг адабий тилига мансуб деган қарашни илгари сурганлар. Пиримқул ака улар билан баҳслашар экан, чуқур мантиқ изидан боради. Юқоридаги шоирларнинг асарларини усмонли турклар, татарлар, қозоқлар бугунги кунда таржима қилиб ўқисалар, ўзбек китобхонлари уларни ҳеч қандай таржимасиз бемалол тушунадилар. П.Қодиров бу борада етарли мисоллар келтириб, жиддий хулосалар чиқаради: «Хоразмдай қадимий маданият марказида туғилиб ўсган ва шу ўлканинг адабий тилида «Муҳаббатнома» асарини Сиғноқда ёзган Хоразмий қандай қилиб «Олтин Ўрда адабий тили»га мансуб бўлади? Ўша даврда Сиғноқ Олтин Ўрдага қарашли бўлгани учунгинами? У даврда Москва ҳам Олтин Ўрда давлатига қарашли бўлган. Москвада ўша вақтларда ёзилган асарларни Олтин Ўрдага мансуб қилиб кўрсатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди-ку». Адиб мана шундай нозик кузатишлар, умумлашмалар, қиёслар йўлидан бориб, «Олтин Ўрда адабий тили» деган ибора «чиғатой тили» деган истилоҳ каби илмий асосдан маҳрум» эканини тўғри кўрсатади.

Пиримқул ака «Жаҳон адабиёти» журналида (1999 йил, 1-сон) ўтказилган давра баҳсида ҳам бу хусусда баъзи мулоҳазаларини айтган эди. «Тил ва эл» бадиасида эса бу қарашларини янада чуқурлаштириб, илмий жиҳатдан пухта далиллаб беради: «Аниқроқ қилиб айтганда, бундай тил тарихда бўлган эмас. Агар чиғатой тили тарихда бўлганда Алишер Навоийдек, Бобур Мирзодек улуғ сиймолар ўз асарларида бу тилни албатта қаламга олган бўлардилар. Улар Чиғатой улуси ва туркийлашган чиғатой — мўғул қавми борлигини қайд этганлар. Аммо ўзлари ижод этган тилни ҳамма жойда «туркий тил» деб атаганлар. Бунинг энг кўп далилини «Муҳокаматул-луғатайн»дан топиш мумкин».

Темурий шаҳзодалар, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро давлатида мумтоз туркий тилда шеър ёзиш, илмий-бадиий асарлар яратиш маънавий эҳтиёжга айланди. Уйғониш даври буюк шахсларни, даҳоларни етиштиради. Алишер Навоий ана шундай ижодкор сифатида намоён бўлди. У она тили — мумтоз туркий тилни қўл етмас юксак чўққиларга кўтарди ва форсигўй шоирлар билан мусобақада ғолиб чиқди. (Бу масала ҳам Пиримқул аканинг бадиасида чуқур ёритилган). Алишер Навоийнинг тарихий хизматига Султон Ҳусайн Бойқаро мана шундай баҳо берган эди: "(У) Турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ нафаси билан жон киргизди, бу руҳни топганларга туркий тил ўриш-арқоғидан тўқилган кийим ва енгил кўйлак кийгизди". (Адабиётшунос Афтондил Эркинов табдил қилган.)

Тарих тақозосига кўра ҳозир мамлакатимиз Ўзбекистон, тилимиз ўзбек тили деб номланади. Юртимиз қадимги Турон — Туркистон — Мовароуннаҳрни англатишини, ўзбек тили эса Пиримқул аканинг бадиасида тўғри кўрсатилганидек, Алп Эр Тўнга давридан бошлаб шаклланган, Яссавий даврида камолотга эришган, Навоий сиймосида юксак босқичга кўтарилган мумтоз туркий тилнинг мантиқий давоми эканини ҳаммамиз, айниқса, мактаб ўқувчилари ва ёшлар, яхши англаб етишимиз зарур.

Мухтасар айтганда, тилимиз ва адабиётимиз муаммоларини, халқимизнинг бой ўтмишини ҳаққоний ёритиш борасида Пиримқул Қодиров ўзидан кейинги тил, адабиёт фидойиларига, шогирдларига, ёшларга ўрнак ва намуна бўлди. Шунингдек, у кишининг мазкур бадиасида тилга олинган муаммолар кўрсатадики, бу борада ҳали кўп изланишимиз, теран тадқиқотлар олиб боришимиз зарур. Бу муқаддас вазифаларни амалга ошириш йўлида тилшунос, адабиётшунос, тарихчиларимиз фидойилик билан изланишлари, заҳмат чекишлари ва энг муҳими, тарихий ҳақиқатни тўғри ёритишлари лозим.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари номзоди**

## Ҳикмат

### ТОҒДАН ОЛИНГАН ИБРАТ

*Тоғ совуқда музламайди, иссиқда эримайди, шамолда эгилмайди ва сувда оқмайди. Бу тўрт сифатга чуқурроқ назар қилсак, бу сифатлар мусулмон кишига ҳам хос эканини кўрамиз.*

*Биринчидан, мусулмон киши тоққа ўхшаса, иродаси қаттиқ ва собит бўлади. Шунингдек, бировларнинг ҳақоратлари, турткилари ва ножоиз ғийбатларига парво қилмайди. Ўзига қилинган адоват ва зулмларни сукут сақлаш, тупроқдек хокисорлик билан енгади.*

*Иккинчидан, иссиқда эримайди. Бунинг маъноси шуки, мўмин киши мақтовларга учмайди. Бировлар уни ўзида йўқ сифатлар билан ёлғондан мақтаса, гердайиб кетмайди, ўз ҳолини билади.*

*Учинчидан, шамоллар тоққа таъсир қилолмаганидек, нафс-ҳаво шамоли ҳам мусулмон кишига таъсир этмаслиги лозим. Бу дегани мустаҳкам тоғни ҳар қандай шамол эга олмайди ва учирмайди. Инсон ҳам нафсига қул бўлмаслиги, унинг шамолларига учмаслиги керак.*

*Тўртинчидан, тоғлар орасидан сувлар оқади, аммо тоғнинг ўзи сувда оқмайди. Мусулмон кишининг қўлидан мол-дунё оқсин, лекин у мол-дунёга қўшилиб оқиб кетмасин, дунё ҳирси уни оқизиб кетмасин! Инсон тоғдай мустаҳкам, тоғдек метин сифатларга эга бўлса, нақадар виқорли ва ҳайбатли бўлади. Бир тасаввур қилинг.*

### ҚАНОАТСИЗЛИК БАЛОСИ

*Бир кампирнинг ғаройиб товуғи бўлган экан. Товуқ ҳар куни бештадан кумуш тухум қўяр экан. Бунга қаноат қилмаган кампир: "Тузукроқ боқсам, тилла тухум бермасмикан", дебди ўзича. Шу ниятда у дон-дунни ҳаддан зиёд оширибди, оқибатда товуқ бўкиб ўлибди.*

*Али розийаллоҳу анҳу деди:*

*— Дунё вақтинча ҳовлидан абадий ҳовлига кўчиб ўтиладиган жойдир. Унда одамлардан бир тоифаси нафсини сотиб, ўзини ҳалок қилади. Яна бир тоифаси нафсини сотиб, ўзини қутқаради.*

### ҲИММАТ

*Абдуллоҳ ибн Омир Холид ибн Аъқабанинг ҳовлисини тўқсон минг дирҳамга сотиб олди.*

*Кеч киргач, Холиднинг ҳовлисидан йиғи овозлари эшитилди. Шунда Абдуллоҳ ибн Омир аҳлидан (оила аъзоларидан): "Уларга нима бўлди?" деб сўради.*

*— Ҳовлилари сотилгани учун йиғлашаяпти, — дейишди.*

*Абдуллоҳ ибн Омир: "Уларга бориб, ҳовлиси ҳам, пули ҳам ўзларига қолажагини айтинглар, мен розиман", деди.*

### ҲАЁТИЙ САБОҚ

*Бир киши Абу Ҳанифа розийаллоҳу анҳунинг ҳузурига келиб: "Агар кўйлагимни ечсам ва чўмилиш учун дарёга тушсам, қиблага юзланганим афзалми ёки бошқа тарафга?" деб сўради.*

*Абу Ҳанифа:*

*— Ўғирлаб кетмасликлари учун кўйлагинг тарафга қараганинг афзал, — деб жавоб берди.*

**("Қадимдан ҳозиргача... Ҳикоятлар, ривоятлар, ҳикматлар" китобидан. Нашрга тайёрловчи Бобомурод ЭРАЛИ)**

**МУТОЛАА**

# Давр синовидаги тақдирлар

Бугун бутун дунёда эълон қилинаётган китобларнинг аксарияти мемуарлар, эсселар, хотиралар ва тарихий роману қиссалардан иборат эканлиги кўпчиликка маълум. Одам боласи бот-бот ортга қарамоқда, тарихга мурожаат қилиб кечаги кунини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эсга олмоқда. Ҳар ҳолда, беназир адибимиз Абдулла Қодирий асримиз бошидаёқ мозийга қайтиб иш кўриш хайрли эканлигини айтиб ўтганди. Шу маънода XX асрни бир ўзбек оиласи ва ана шу оила атрофидаги одамлар тақдири мисолида бадиий тадқиқ этган – "Ойжамол" ҳужжатли романи ("Ўзбекистон" нашриёти, 2016 йил) хайрли ният маҳсули ва у кечаги кунимиздан ҳикоя қилувчи асар сифатида ўқувчилар қалбидан жой эгаллади. Роман муаллифи мамлакатимизда таниқли иқтисодчи олим, профессор – Баҳодир Умурзоқов.




Мазкур асар воқеалари қарийб олтмиш йилни ўз ичига қамраб олган. Собиқ совет тузумининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар характери ва табиати инсонлар тақдири орқали очиб берилади. Очиғини айтганда – катта бир даврни бир қишлоқ, бир оила (ёки икки-уч оила) тақдири орқали эпик тафаккур чиғириғидан ўтказадиган асар миллий адабиётимизда камёб.

Маълум муддатни эмас, бир инсон умрига татигулик бутун бошли даврни ўз ичига олган асарларни ўқувчилар интиқлик билан кутаётганди. Бундай тажриба бошқа хорижий адабиётлар, хусусан рус адабиётида борлигини кўпчилик жуда яхши билади. Масалан, Анатолий Ивановнинг коммунистик тузум шароитида ёзилган эллик йилдан зиёд вақтни ўз ичига олган "Мангу даъват" асари қанчалик мафкуралашган бўлмасин, рус адабиётида вақт синовига дош бера олди. Ёки Василий Аксенов совет тузуми пароканда бўлгандан сўнг ёзган "Москва сагаси" Градовлар хонадони тақдири орқали қирқ-қирқ беш йиллик воқеаларни қаҳрамонларнинг турфа тақдирлари воситасида ўқувчи ҳукмига ҳавола этади.

Таъкидлаганимиздек, Баҳодир Умурзоқов ҳам ярим асрдан зиёд муддатда содир бўлган воқеалар (бу воқеалар Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани, Самарқанд шаҳри, Тошкент шаҳри, Россия ва Белоруссиянинг турли шаҳар ва қишлоқлари, Австрия, Чехия, Шимолий Италия ва бошқа бир қатор жойларда кечади) ичига ҳам тарихий, ҳам бадиий юриш қилади. Тузумнинг яхшию ёмон томонлари инсон табиати ва характери воситасида ўқувчига етказилади. Воқеалар шундай танланганки, улар даврнинг энг характерли хусусиятларини ўзида ифода этган. Роман бошида содир бўлган ва кейинчалик қаҳрамонлар тақдирида чуқур из қолдирган "сув тошқини" воқеасини олайлик. 1935 йил ғўзани суғориш учун оқиб келаётган сувнинг ариқ четини ювиб кетиб, бир муддат қўриқ ерларга оқиши туфайли колхоз раиси Болта Икромов халқ душмани сифатида қамалади, унинг оиласи эса бадном қилинди. Чунки жамиятда шундай муҳит ҳукмрон эдики – ер азиз, сув азиз, трактор ўта қимматбаҳо, пахта олтинга тенг, буғдой давлатнинг жон-тани, фақат инсон қадри-қимматигина бир пул эди холос.

Ана шундай муҳитда қадр деган олижаноб фазилат оилаларда сақланиб қолганди. Асарни ўқир экансиз, ота-онанинг фарзандларга, фарзандларнинг ота-онага меҳри, қариндош-уруғларни бир-бирини суяб имкони борича қўллаб-қувватлашидан иборат самимий муҳит ўқувчи қалбида тоза, эзгу ҳислар уйғотади. Дарвоқе, муаллиф сўзбошисида бу ҳолатни аниқ тасвирлаган: "Ёшлигимни эслар экан, доимо мени ҳайратлантиргани уйимизга узоқ-яқин жойлардан қариндошларимиз келганларида, ота-онам улар билан нимагадир йиғлашиб кўришарди ва кетишаётганда ҳам йиғлаб қолишарди... Ўша кунларни эсласам мени бир савол қийнайди: нега одамлар ўшанда бир-бирлари билан йиғлашиб кўришган... Демак, ўша замон машаққатлари оқибатида вужудга келган аянчли муҳит бунга сабаб бўлган". Ана шу аянчли муҳитда одамлар бир-бирига суяниб, бир-бирларига далда бўлиб жамики қайғу-азобларни енгиб ўтишган.

Асар воқеалари унинг бош қаҳрамони – Ойжамол атрофида кечади. Ўзбек аёлининг типик вакили бўлган Ойжамол образи минглаб муштипар ўзбек аёлларига муаллиф ўз қўли билан тиклаган ўлмас ёдгорликдир. Эри халқ душмани (Болта Икромов) сифатида қамалган ва Сибирда ҳалок бўлган, уч ўғли Иккинчи жаҳон уруши кулфатларини бошидан кечириб, бири (Абдулла Икромов) ғалабадан сўнг ҳалок бўлган, иккинчиси (Акбар Икромов) асирликнинг мудҳиш кунларини бошидан кечириб, "Туркистон легиони" сафида виждон азоби ва юртга ёруғ юз билан қайтиш истагида қалбида кечган қарама-қарши ўйлар гирдобида қийналаб ва ниҳоят, тузумнинг қатағон машинаси чиғириғидан ўтиб яна ўша қарама-қарши туйғулар талошида туғилиб-ўсган масканига қайтиши ва яна бир ўғли (Аҳмад Икромов) фронтда ва Белоруссия партизанлари сафида душман билан жанг қилиб, қарийб бутун танаси куйиб, тилдан ва оёқдан қолиб, 50 йил деганда она бағрига қайтиши ва бошқа кўпдан-кўп даҳшатли ва сурونли воқеалар – ана шу мунис ва мушфиқ Ойжамолнинг бошдан кечган кўргиликларининг бир қисмидир.

Асар қаҳрамонлари ҳаёт ҳақиқати ва мантиғига мос ҳаракат қилади, сўзлашади. Одамлар ёмон ва ёвуз ниятлардан йироқ, кимгадир қасд қилиш ва кимнингдир олдида паст кетиш уларга ёт. Райкўм ва колхознинг умумий йиғилишида ҳам, ОГПУ ходимлари билан савол-жавоб, сўроғу қийноқларда ҳам Болта Икромов сўзида мантиқ, қалбида инсоний ғурурни сақлай билади. Худди шундай ҳолатни унинг ўғли Абдулла Икромов "СМЕРШ" вакили капитан Станчук ва генерал-майор Дементьев билан қилган мулоқот чоғида, Акбар Икромовнинг эса махсус ҳарбий комиссия саволларига жавобларида ҳам кузатиш мумкин.

Роман умумий манзарасини Абдулла ва Ҳалиманинг соф ва самимий муҳаббати узукка кўз қўйгандек безаб турибди. Замоннинг зулми қанчалик кучли бўлмасин, уруш олови ҳар бир хонадонга чўғ ташлаганига қарамасдан, инсон табиати ва қалби унга илоҳий тарзда берилган муҳаббат йўлига тўғаноқ бўла олмайди. Икки ёшнинг бор-йўғи бир кеча-кундузлик висоли, Ҳалима учун бир умрлик ҳижронга айланади. Ҳалима тақдири унутилмас ва бетакрор шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеъридаги минглаб ўзбек аёлларининг аянчли қисматига ёрқин мисолдир.

Роман муаллифи айбсиз айбдор бўлиб қолган Акбар образини драматик саҳналар орқали, мураккаб ҳаётий савдолару синовлар орқали ўқувчи ҳукмига ҳавола қилади. Аслида мард, ҳалол ва садоқатли инсон бўлган офицер Акбар фронтда чеккан азоблари етмагандек, ярадор ва ҳушсиз ҳолда асирга тушиб қолади. Албатта, бу ишда аскарларининг хиёнати ҳам маълум роль ўйнайди. Асирликда "Туркистон легиони" сафига ўтишга мажбур бўлади. Ўтганда ҳам, биринчи имкон туғилиши билан қочиш ва фашистларга зиён етказишини кўнглига тугиб ёлланади. Урушдан сўнг инглизлар қўлига тушиб, "легионерларнинг" рўйхатини улардан яшириб, советларга топширади. Шу иши билан гуноҳини бироз бўлса-да енгиллаштириш, ватани олдидаги бурчини бажаришни ўйлайди. Советларнинг махсус комиссияси раҳбари бўлган ўз укаси Абдуллага сўроқ беради. Гуноҳсизлиги исботлангунга қадар уч йилча қамоқ азобини тортади ва қарама-қарши ўйлар, изтироблар ичида уйига қайтади. Энди у одамларга, наинки одамларга, ҳатто оила аъзолари даврасига қўшила олмас, ҳатто онасига ҳам қандайдир бегона бўлиб қолади.

"— Акбаржон ўғлим... Уйимизга қайтиб келганингга ҳам ўн икки йил бўлибди. Лекин, шу кунгача на дадангдан, на укамг Аҳмаддан, на Абдуллажондан менга гапирмайсан... Нима, сенинг хотирангдан улар бутунлай кўтарилиб кетганми?.. Айт! Шундоқ сукут сақлаб, бир-биримизни умримиз охиригача алдаб юраверамизми?". Онанинг – Ойжамолнинг ўғли Акбар билан мана шу мулоқоти ҳам Акбар асирлик ва "легионерлик" исноднини ҳануз унутмаганини, у қандайдир бошқа одам бўлиб қолиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб юрганини яққол кўрсатади. Уни давлат авф этганди, аммо унинг ўзи ўзини кечира олмаётганди.

Ҳар қандай зулмат ортидан ёруғлик бўй кўрсатганидек, асар Ўзбекистон мустақилликка эришуви ва қаҳрамонлар тақдири бирмунча ойдинлашуви билан якунланади. Режиссёр Александр Прошкин суратга олган "53 йилнинг совуқ ёзи" фильмининг қатағон қилиниб умри ноҳақ қамоқда ўтган қаҳрамони фақат бир нарсага ачинаман: ўтиб кетган умримга; ва фақат бир нарсани: одамга ўхшаб яшаш ва ишлашни истайман, дейди. Баҳодир Умурзоқов ҳам хазон бўлган умрлар, синган тақдирлар ҳақида ёзар экан – унинг ҳам қаҳрамонлари мудом бир нарсани орзу қилишади: одамга ўхшаб яшашни!

Албатта, Б.Умурзоқов профессионал ёзувчи ҳам, унга даъвогар ҳам эмас. Муаллиф таниқли иқтисодчи олим, узоқ йиллар масъул вазифаларда хизмат қилган. У қўлига қалам олар экан, бир оила тақдири мисолида замона зайлини тушуниш, даврни бадиий мушоҳада этиш ҳамда идрок ва изҳор этишга ҳаракат қилади. Беназир шоирамиз Нодирабегим ёзганидек: "Мақсад на эди жаҳона келдинг, Кайфиятингни баён этиб кет".

**Жалолиддин САФОЕВ**

# Табаррук қадамжолар



**«Яқинда Бухоро вилоятида сафарда бўлганимизда, машҳур Мир Араб мадрасасини кўриб, тўғриси, анча хижолат бўлдим. Неча замонлардан буён халқимизга, динимизга хизмат қилиб келаётган, нафақат юртимиз, балки мусулмон дунёсида шуҳрат қозонган қанчадан-қанча уламоларни камолга етказган бу муқаддас даргоҳ ачинарли аҳволга тушиб қолгани, албатта, афсуслидир. Бугунги кунда мазкур диний ўқув масканининг нуфузи ва мақомини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу ердаги қадимий биноларни тубдан таъмирлаш, ён-атрофдаги ҳудудни ободонлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда».**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқидан*

Ислом оламида Бухородаги мадрасаларнинг нуфузи минг йиллар давомида катта мавқега эга бўлиб келган. Шариф шаҳар мадрасаларида таҳсил олиш учун Ироқу Шомдан талабалар келишган. Манаман деган исломшунослар, фиқҳ илмининг буюк Алломалари, шайхулисломлар юртимизда таҳсил олгани билан фахрланган.

Мусулмон оламида учта олий мадраса ҳозирги кунга қадар аълоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Уларнинг биринчиси — 972 йили ташкил этилган Қоҳирадаги ал-Азҳар мадрасаси, Бағдоддаги иккинчиси 1065 йили қурилган Низомулмулк мадрасаси ҳисобланади. Учинчиси эса Бухоро шаҳрида XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасидир.

### МИР АРАБ АСЛИДА КИМ?

Ҳазрат Мир Араб нақшбандия тариқатининг улуғ пири, соҳибкаромат авлиё сифатида эл орасида ном қозонган. У кишининг асл исмлари Саййид Абдуллоҳдир. Бу зот илм излаб Мовароуннаҳрга келиб, шу ерда муқим яшаб қолган. Дастлаб, Сайрамда, кейинчалик Самарқанд ва Бухорода умргузаронлик қилган. Тарихий манбаларда келтирилишича, аллома Яманнинг Ҳадрамавт мавзесида тахминан 1461 йилда туғилган.

Саййид Абдуллоҳ Яманнинг амири бўлган экан, лекин 22 ёшга кирганларида тожу тахтдан воз кечиб, зоҳидликни ихтиёр этган. XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда диний ва дунёвий маданият юксак чўққига кўтарилган эди. Бинобарин, бошқа эллардаги олиму уламоларнинг Самарқанд ва Бухорога талпинганини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Ёш Абдуллоҳ ҳам ислом арконларини мустаҳкам эгаллаш мақсадида бу юртга келиб, ҳазрат Хожа Аҳрорга эргашади.

Ҳазратнинг "Мир Араб Яманий" дейишларига сабаб эса ўз-ўзидан аён. Тахаллус пирнинг миллати, амирлиги ва туғилган жойига ишорадир. Устозидан кейин Нақшбандия тариқати ривожига улкан ҳисса қўшиб, тасаввуф оламида катта муваффақиятга эришган. Мир Араб ҳар доим урушларнинг олдини олиш, мусулмонлар тинчлигини муҳофаза қилишга астойдил интилган.

### ПОЙИКАЛОНДАГИ НУРЛИ ДАРГОҲ

Тарихдан маълумки, сўнгги темурий подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1512 йилда бобомерос Самарқанд тахтини эгаллаш умидидан бутунлай воз кечиб, Ҳиндистон томонга кетади. Темурийлар тахтини эса Дашти Қипчоқ ўзбекларидан чиққан Шайбонийлар эгаллайди. Шайбонийлар сулоласининг учинчи вакили Убайдуллахон, пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиртирганидан хабардорсиз. Албатта, Убайдуллахон ҳам тарихда яхши ном қолдиришга интилган. Бу йўлда темурийлар томонидан Самарқандда ташкил этилган илмий-маърифий муҳитни Бухорода ҳам яратишга интилади. Чунончи, олиму уламоларни ва азиз авлиёларни Бухоро шаҳрига таклиф этади. Бухорога интилган тассаввуф уламолари орасида Абдуллоҳ Яманий ҳам бўлиб, у кишига подшоҳ катта эҳтиром кўрсатади. Яъни соҳибкаромат авлиёни хон ўзининг пири деб тан олади. Мир Арабнинг Бухорода илм-фан ва таълимнинг юқори даражада кўтарилишида катта хизмати сингган. Авлиё таклифига биноан Бухоро ва Самарқандда қатор мадрасалар ташкил этилган. Бу ўз навбатида мусулмон оламида Бухоро ислом мактаби нуфузининг янада юксалишига хизмат қилди.

Подшоҳ 1530—1536 йилларда шайх Абдуллоҳ Яманий шарафига Бухоронинг энг қадимий ва машҳур мавзеси — Пойикалонда катта мадраса бунёд этади. Пойикалонда қурилган мадраса ва жомеъ масжид ягона ансамблни ташкил қилди. Мовароуннаҳр диний мактаблари қурилишида қўлланилган анъанавий усуллар бу мадраса архитектурасида ҳам ўз ифодасини топган. Чорси ҳовлининг атрофида икки қаватли ҳужралар қатори, ҳар қатор ўртасида пештоқли айвонлар жойлашган. Мадрасанинг олдинги қисми анча мураккаб. Миён саройнинг икки ёнида икки хонақоҳ-дарсхона ва масжид бор. Шарқ томондагиси мақбарага айлантирилган. Хонанинг ўртасида Убайдуллахоннинг ёғочдан ясалган сағанаси жойлашган. Жануб томонидаги хона масжид учун мўлжалланган. Мадрасанинг бош фасади марказда ярим саккиз қиррали равоқдан иборат баланд пештоқ бўлиб, унинг ичкарисида катта дарвоза, пештоқнинг икки ёнида эса икки қаватли ҳужралар қурилган. Гумбазнинг ўртаси эса фонусдек майда дарчалар орқали тушган ёруғлик хонага улуғвор кўриниш бахш этади.

Мир Арабда то XX аср бошларигача исломий таълим билан бирга дунёвий илмлар ҳам талабаларга чуқур ўргатилган. Яъни таълим икки қисмга бўлинган. Исломий таълимотда Қуръони Карим, ҳадиси шариф, фиқҳ илмлари, уларга ёзилган шарҳлар ўргатилган бўлса, дунёвий дарсларда фалакиёт, риёзиёт, математика, кимё, география, тарих, фалсафа, адабиёт, мусиқа фанлари ўтилган.

### СОБИҚ ШЎРО ТУЗУМИГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛДИ, БИРОҚ...

Собиқ шўро даврида ҳам Мир Араб мадрасаси буткул ёпиб қўйилмади. Мамлакатдаги номдор диний таълим маскани сифатида фаолият кўрсатди. Бироқ билим юрти режалари асосан марказдан тасдиқлаб берилгани сир эмас. Ана шундай оғир даврларда ҳам ушбу таълим даргоҳидан машҳур олимлар етишиб чиққан. Айни пайтда МДҲ давлатларининг йирик диний уламоларининг аксарияти Мир Арабда таҳсил олган. Бир сўз билан айтганда, тузум томонидан ислом дини жиддий қаршиликка учраганига қарамасдан, Мир Арабда янги давр мусулмон оламида катта мавқега эришган мингдан зиёд мутахассислар етишиб чиқди.

Таъкидлаш керакки, мадраса собиқ тузум пайтида ҳам фаолият кўрсатган бўлса-да, таълим даргоҳининг қарийб юз йилдан ортиқ вақт мобайнида таъмирланмаган ҳужра ва равоқлари нурай бошлади. Афсуски, эътиборсизлик натижасида мадраса асл қиёфасини йўқотаёзди. Зеро, ривоятларда айтилишича, шайх Мир Араб ҳазратлари, мадраса қиёматгача илм ва таълим маскани бўлиб қолишини сўраб дуо қилган экан.

### МИР АРАБГА ОЛИЙ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан юртимизда диний бағрикенгликка катта йўл очилди. Айниқса, эътиборсиз қолдирилган мадрасаю масжидлар ва азиз авлиёлар ётган қадамжолар обод гўшага айлантирилди.

Албатта бундай эътибордан ушбу мадраса ҳам четда қолгани йўқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида ушбу қадамжонинг бугунги ҳолати билан танишиб, Бухорода Мир Араб олий мадрасасини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Яқинда Адлия вазирлиги берилган кўрсатмаларга асосан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Мир Араб олий мадрасаси ташкил қилиниб, 2017 йил 7 июнда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу диний таълим муассасасининг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда белгиланган фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳамда диний таълим олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун яна бир имконият бўлди. Шунингдек, мазкур қувонарли воқеа 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги амалий ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган **"Ўтмиши улуғ халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади"** номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.*

# Йўлбарс ўз юртига яна қайтади...

**ИНСОН ВА ТАБИАТ**



Ўтган асрнинг 60-йилларида Амударё тўқайларида Ўрта Осиёда яшаган энг йирик йиртқич — охирги Турон йўлбарси отиб ўлдирилган эди. Инсонларнинг ерларни ўзлаштириш баҳонасида тўқайзорларни аёвсиз йўқ қилиши, оддий кўнгилхушлик учун ноёб ҳайвонларни ов қилишлари бу маконда яшаган кўплаб қуш ва жониворларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Бугун дунё олимлари Турон йўлбарсини тиклаш устида иш олиб боришмоқда.

Илмий рисолаларда Турон йўлбарси, шунингдек, Каспий йўлбарси, баъзида Форс йўлбарси деб ҳам келтириладиган ушбу жониворнинг тарқалиш ва яшаш ареали (майдони) Туронзамин, яъни Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ҳудудларини ўз ичига олган. Шунингдек, Афғонистон ва Кавказ сарҳадларида, Озарбойжоннинг нам ҳаволи субтропик ўрмонларида ҳам учраган.

Ўтмишда Марказий Осиёдаги Сирдарё, Амударё, Мурғоб ҳамда Панж дарёлари яқинидаги қалин тўқайзорлар, шунингдек, Каспий денгизи бўйларида ҳам бу мағрур йиртқични тез-тез учратиш мумкин эди. XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Марказий Осиёни истило қилган Чор Россияси қўшинларининг кириб келиши билан Турон йўлбарси ҳаётига энг катта хавф солинди. Яъни 1883 йил 27 февралда Туркистон ҳарбий округи бошлиғи Тошкент ва Чиноз ўртасида яшайдиган йўлбарсларни қириб ташлашга буйруқ беради. Ов учун 12 та батальон жалб этилади. Тошкент яқинидаги сўнгги йўлбарсни 1906 йили князь Голицин отиб ўлдирган. Жониворнинг сомон тиқилган териси (тулуми) XX асрнинг 60-йилларигача Давлат табиат музейида сақланган. Афсуски, у ҳам ёнғин туфайли йўқ бўлиб кетган.

Турон йўлбарси мушуксимонлар оиласига мансуб, вазни ўртача 200 килограмм бўлган йирик йиртқичдир. Ҳар бир йўлбарс оиласи ўз ҳудудига эга бўлиб, ўртача 8-10 квадрат километр жойни "назорат қилган". Ҳид билиш органи кучли ривожланмаган, лекин жуда яхши эшитган. Кўзи қоронғида ҳам яхши кўрган. Йўлбарслар янги ўлдирилган ҳайвон гўштини хуш кўрган. Ўлжаси томон пусиб бориб, бирдан сакраб, ташланган. Қочаётган ҳайвонни 80-100 метргача катта тезликда қувиб, ушлаган, мабодо тутолмаса, орқасига қайтган.

Ўлжани олдин эркак йўлбарс тўйгунича еган, ундан ортса, урғочисининг оғзи теккан. Агар уясида болалари бўлса, уларга ҳам орттириб олиб борган. Ов бароридан келса, эркак йўлбарс бирйўла 5-6 килограммгача гўштни паққос туширган. Қорни тўйгач, 4-5 кун овга чиқмай, уясида ағанаб уйқуни торттан. Бир кеча-кундузда 18-20 соат ухлаб, асосан сув ичиш учун жойидан қўзғалган. Танаси ҳимоя рангига эга, мўйнаси сарғиш, қора-кўкимтир йўл-йўл чизиқли бўлиб, бу кўриниши тўқай-қамишзорларда душман пайқашини қийинлаштирган.

Озуқа етарли бўлмаса, йўлбарс ҳар йили болаламаган. Етарли шароит бўлса, март-апрель ойларида иккитадан тўрттагача бола туққан. Йўлбарсчалар 1,5-2 ёшгача онаси ҳимоясида бўлиб, беш ёшида вояга еттач, мустақил яшаш учун ўзига макон ахтариб кетган.

Турон йўлбарси 6-7 метр узунликка, 3 метр баландликка ҳеч қийналмай сакраган. Айниқса, ов пайтида шиддат билан ҳаракатланган. Олдинги оёқлари жуда кучли, бир зарбада отнинг белини синдириб юборган. Тўнғиз, кийикларни тил торттирмай ўлдирган. Сувда яхши сузган. Унинг жўшқин Амударёдан сузиб ўтганини одамлар кўп бора кузатишган.

Терисининг чиройлилиги бу жониворга кўп кулфат келтирган, дейиш мумкин. Масалан, қадимда хон ва подшоҳлар тахтига йўлбарс терисини ёпишни хуш кўришган, бу уларга куч-қудрат ато этишига ишонишган. Зотан, йўлбарс ови шоҳларнинг севимли машғулоти ҳисобланган. Европа бойлари йўлбарс терисининг доимий харидори бўлган ва олтин эвазига харид қилишган.

Турон йўлбарси бошқа турларига нисбатан айёрлиги билан ажралиб турган. Ов қилиш учун узоқ вақт таъқиб қилинганида, овчиларни чалғитиб, орқа томонига ўтиб, уларнинг ўзига қўққисдан ташланар экан.

Марказий Осиё аҳолиси қадимдан Турон йўлбарсини хавфсиз жонивор сифатида эъзозлаган: йўлбарс, агар унга хавф таҳдид солмаса, одамларга ҳеч қачон ҳужум қилмаган. Қолаверса, халқона қарашларда йўлбарс — куч-қудрат ва ишонч рамзидир. Шу сабабли, одамлар яшайдиган манзиллар яқинида ҳам бу жониворларни кўриш мумкин бўлган.

Дунё эколог ва табиатшунослари бу турнинг буткул йўқолиб кетиши у яшайдиган ҳудудлар экотизимига катта салбий таъсир ўтказаётганини аниқлашди. Айрим жониворларнинг кескин кўпайиб, бошқаларининг эса аксинча, сезиларли даражада камайиб кетиши экомуҳит мувозанатини бузмай қолмайди, албатта. Худди шу омил Турон йўлбарсининг табиий популяциясини қайта тиклаш учун туртки бўлди. Бутунжаҳон Ёввойи табиат жамғармаси ташаббуси билан Турон йўлбарси популяциясини тиклаш, бу ноёб жониворни асраб-авайлаб кўпайтириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. 2014 йилда мазкур турни тиклаш ишлари бошланди. Бунинг учун Қозоғистон ҳудуди танланиб, 15 йилга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Мутахассислар томонидан турни қайта тиклаш ва унинг яшаб кетиши учун зарур шароитлар яратишга киришилди. Маълум бўлишича, Турон йўлбарсига тур бўйича энг яқин саналган мушуксимон жонивор Оссурия (Амур) йўлбарси бўлиб, Эрон ва бошқа ҳудудларда яшайдиган бу турга мансуб бўлган жониворлар оилаларини Қозоғистонга кўчиришга қарор қилинди. Мутахассислар эътирофича, энг мушкул юмуш — йўлбарс яшаб-кўпайиши учун талаб қилинадиган экотизимни шакллантиришдир. Бундай экотизим Или дарёси делтаси ҳамда Балхаш кўлининг жанубий қирғоғида шакллантирилиши мўлжалланган. Бу ерда улкан сарҳадли — 437 минг гектарли боғ-қўриқхона барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, у ердаги табиий шароит йўлбарсларнинг яшаши учун қулайлик туғдириши, яъни энг кераги — ов қилиши учун кийик, тўнғиз, сайғоқ, кемирувчилар синфи вакиллари, қушлар ва йўлбарслар озиқланадиган зайтун сингари ўсимликлар бўлиши талаб этилади. Мутахассислар "йўлбарс макони" шу ҳудудда яшовчи аҳолига халал бермаслиги, аксинча, одамларнинг яхшироқ яшашларига кўмаклашишини таъкидлашмоқда.

**Наргис ҚОСИМОВА**

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«Асака» банк

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Reklama

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2660 Буюртма — S-9678 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*
**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Топшириш вақти** — 20[00] **Топширилди** — 18[00]

ISSN 2010-7528
*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Муҳаммадали Мамадалиев
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**